Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

ИШОНЧ

30

1992 йил 27 июль (69)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

1 СЕНТЯБРЬ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

ОНА ЮРТИМ ОМОН БЎЛСИН

ЭРК, ОЗОДЛИК, МУСТАҚИЛЛИК сўзлари шунчалик тийран маъноли, шунчалик улуғворки, ҳар сафар кўтаринки рух, ажиб шодиёналик билан такрорлайсан уларни. Бизнинг юртимизда мустақиллик эълон қилинганини эшитган куним ана шундай кўтаринкилик ва тотли ҳиссиётни бошимдан кечирган эдим. Мустақилсан — демак, ҳеч кимга қараминг йўқ, ҳалол меҳнат билан топганингга ўзинг эгалик қилиб, билганингча яшашга ҳуқуқлисан.

Ҳа, мустақиллик ана шундай ширин ва мўътабардир. Унинг қадрига етган етади, етмаганнинг ҳолига ачинмоқ керак. Худди шу тариқа ўзлигимизни расмий тан ола бошлаганимизга ҳам мана, бир йил тўлиб боради. *Соғлом одам ўз юрак урушини сезмагандай биз ҳам шундай лаззатли дамларнинг қанчалик тез ўтиб кетганини сезмабмиз. Бир йил — бир тутам, кўз очиб-юмгунча ўтган вақтга тенгдошдай. Аммо шу муддат ичида кўп маъқул ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик. Ўз она тилимизнинг эътиборини кўтардик, ривожининг эркини астойдил қўлга олдик. Муомаладан ном-нишонсиз йўқола бошлаган ибораларни, атамаларни қайта тикладик, муқаддас жойлар, тарихий ва маданий даргоҳлар, кўча-кўйлар, ҳатто метро бекатларининг номини ўзгартириб, аслига қайтаришга эришдик. Бундай хайрли ишларни салкам етмиш беш йил мобайнида кўрганмидик, ҳақиқий мустақиллик туйғусини астойдил ҳозиргидек ҳис қилганмидик? Энг муҳими, инсон қадри тикланди. Замонлар зайли билан бегуноҳдан бегуноҳ кишиларнинг юзига қора суртиб, ботқоққа қориштиришлар барҳам топди. Миллатимиз равнақи учун жон куйдирган, маданиятимиз ривожи учун кураша-кураша охири завол кўрган ҳақиқий жафокашлар, доно фикрли алломалар шаънига тўқилган доғлар ювилди. Ҳақиқат ғалаба қилди. Ана шу ғалабани байрам қилиш муддати яқинлашмоқда. Бу байрам ҳар йили ўтказиладиган байрамларнинг байрами бўлиб қолишига имоним комилдир.* Мустақиллик мевасидан баҳраманд бўлишдан ортиқроқ бахт борми? Лекин ҳар бир янги ғоя, ҳар бир хайрли иш дастлабки даврда қаршиликка учраганн каби мазкур янгилик ҳам ўзига рақиблар орттириши мумкин эди. «Тун билан тонг ўзаро мутаносибдир. Тонгнинг бошланиши ёлғон бўлса ҳам охири тўғридир», деган эди Алишер Навоий. Шунинг учун мустақилликнинг мустаҳкам оёққа туриб олиши даврида қийинчиликлар содир бўлиши табиий. *Дарҳақиқат, ҳозирги кунларда, айниқса, оддий фуқарога қийин бўлаётганини кўриб турибмиз Бу ҳеч кимга сир эмас.* Хато қилмаслик тангригагина хос. Шунинг учун бандаси йўл қўяётган айрим хатолар суфайли тушкунликка берилишлар, норозиликлар туғилишига имкон яратишлар ҳам йўқ эмаслиги аниқ. Шундан фойдаланиб, айримлар бировни бировга гижгижлаш, халқ нафратини қўзғатиш ниятида намойишлар ўтказиш, митинглар уюштириш ҳаракатидалар. Бундайларга қойил эмасман. Чунки бундан кимга нима нафу, кимга зиёнлигини ўйламаётирлар. Ўртамизда ўзаро меҳр-саховат йўқолиши, рўзғоримиздан қут-барака кўтарилишидан қандай манфаат топаётганларига ҳайронсиз. *Тўғри, яхши кунлар учун курашмоқ керак. Бунинг хосияти бор, аммо ҳаёт тақозоси билан пухта тузилган режаларни амалга оширишга тўғридан-тўғри халал етказиш ниятида бўлиш фақат шайтонгагина хосдир. Шунинг учун сабр-тоқат билан эртанги кунга катта умид боғлаб яшаганга не етсин.* Иморат ҳам аста-секин қад тиклайди. Ахир бугун пойдевор қўйиб, эртагаёқ уйга кириб ўтириш мумкин эмас-ку?

Давлат менинг эҳтиёжимни қондириши керак, деб талаб қўяверганда кўра, давлат эҳтиёжини қондириш учун мен нима қилишим керак, деган саволни ўзига беришда катта маъно кўп чамамда. Мустақил ҳаёт мустақил ирода, саъи-ҳаракат талаб қиладиган замон ҳозир. *Куёш йўлини тўсган қояни бирлашгангина қулатишга қодир, ёлғиз отнинг ўзи фақат чанги чиқади, холос. Шундай экан, шу кеча-кундузнинг таназулга томон тортишга мойил муаммоларини ҳамжиҳатлик билан ҳал қилишга киришсак бунинг нимаси ёмон? Она юртинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас, деб бежиз айтилмаган.* Эртанги авлод бола-чақаларимиз бахтига юртимиз тинч-омон бўлишини ўйлайлик. Ҳеч қачон ранги-рўйимиз сомонлик кўрмасин. МЕН ШУНИ ИСТАЙМАН.

Пўлатой ЭРКАЕВА,
тарбиячи.

«Мен Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига кирар эканман халқимга, Президентимга хизмат қилишга тантанали равишда қасамёд қиламан». Яқинда Тошкентдаги қисмлардан бирида ҳарбий қасамёд ўзбек тилида биринчи бор янгради.

Суратларда: қасамёд онларидан лавҳалар.

Касаба уюшмаларида

ҲИСОБОТ ДАВРИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари тармоқ ташкилотлари низомига биноан республика ўрмончилик соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раёсати қарорида алоҳида таъкидланганидек ҳисобот сайлов йиғилишлари касаба уюшмаси гуруҳларида июль, цех қўмиталарида август, касаба уюшмаси ташкилотлари қўмиталари эса сентябрь-октябрь ойларида ўтказилади.

Ҳисобот сайлов йиғилишлари Ўзбекистон Республикасининг яқинда қабул қилинган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари, фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ҳар тарфлама кенг ўрганилиши ва уни амалга оширишга қаратилган тадбирлар белгиланиши лозимлиги таъкидланди.

ЯНГИ ҚЎМИТА ИШ БОШЛАДИ

Нукусда Қорақалпоғистон матлубот жамиятлари ходимлари касаба уюшмалари фаолларининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда шу соҳа ходимлари республика касаба қўмитасини тузиш ҳақида қарор қилинди. В. С. Ганькина шу қўмита раиси этиб сайланди.

Конференцияда янги қўмитани Қорақалпоғистон касаба уюшмалари Кенгашига аъзо бўлиши таклиф қилинди, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Қорақалпоғистон касаба уюшмалари Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган президиум мажлисида эса матлуботчилар касаба уюшмаси қўмитасини касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Кенгашига аъзо қилиб олиш юзасидан қарор қабул қилинди.

БЕЗАМОҚ ЧОҒИДИР УМР ДАФТАРИН

ҚАДРЛИ ҚАЛАМКАШЛАР!

Шарқнинг буюк шоири Ғафур Ғулом:

«Фурсат ғаниматдир шоҳ сатрлар-ла,
Безамоқ чоғидир умр дафтарин»

деганидек, бош мавзу — инсон қадр-қиммати, ҳақнинг қарор топиши, бахтнинг барқарорлиги, ҳиснинг мусаффолиги, энг порлоқ туйғуларнинг туйғунлиги, шахс ва эркнинг мустақиллиги ҳақидаги

БАДИИЙ-ПУБЛИЦИСТИК АСАРЛАРГА ГАЗЕТА КОНКУРС-ТАНЛОВ ЎТКАЗАДИ

ҒОЛИБЛАРГА СУЮНЧИСИНИНГ

биринчиси — 5000;
иккинчиси — 3000;
учинчиси — 2000 сўмлик

МУКОФОТ БЕРИЛАДИ

«ИШОНЧ» КОНКУРС-ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Августдан бошлаб эълон қилина борадиган конкурс-танлов муддати — **1992 йилнинг 30 декабрида якунланади.** Ғолиблар номи январь ойида эълон қилинади.

Конкурс-танловга юбориладиган бадиий-публицистик асарлар 2 нусхада машинкадан чиқарилган **бўлиб, икки оралиқда ҳажми 6 қоғоздан** ошмаслиги лозим.

«ИШОНЧ» ТАҲРИРИЯТИ

● Конкурс-танлов ҳомийси: Ўзбекистон Республикаси Маҳаллий саноат, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

«ЗАМАН» — «ЎЗБЕКИСТОН»

Республикамиз маданий ҳаётида муҳим воқеа юз берди — «Заман»-«Ўзбекистон» ижтимоий-сиёсий мустақил газетаси чиқа бошлади. Газетанинг нишона сонида берилган Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзолнинг табригида таъкидланганидек, «Заман» газетасининг Ўзбекистонда тарқалиши дўст диёр халқига Туркиядаги воқеа-ҳодисаларни етказиш имконини беради. Айни пайтда Ўзбекистондаги янгиликлар ҳам Туркияга гўзал бир шаклда етказилади.

Ҳозир «Заман» Оврупо, Озарбайжон ва Қозоғистонда ҳам нашр этилаяпти. Бундан буён ҳар 15 кунда ўзбекистонликлар хонадонига ҳам кириб боради. У Ўзбекистондаги туркларнинг дардига дардкаш бўлади, икки республика ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда ишончли восита ролини ўйнайди.

Нишона сони 8 саҳифали бўлиб чиққан. Унинг тўрт саҳифаси ўзбекча бўлса, тўрт саҳифаси туркчадир. Ундан ўзингизни қизиқтирган барча мавзудаги материалларни топа оласиз. Хикматлар, ажойиб воқеалар, шеърлар газетани янада ўқимишли қилишга кўмаклашган.

Газета республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Туркияга қилган сафари, унинг самараси сифатида Туркиянинг Ўзбекистонга кўрсатаётган ёрдамини кенг ёритган. Навбатдаги сонларда ҳам дўстлик ва ҳамкорлик газетанинг бош шиори бўлиб қолишига умидворимиз.

АСЛ МАҚСАД—ҲИМОЯ

Жамиятимиз жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий жараённи бошидан кечирмоқда. Бир ярим, икки минг сўм ойлик билан ўзбекнинг серфарзанд оиласини боқишнинг ўзи бўладими?! Устига-устак айрим корхоналар тугатилмоқда, баъзи жойларда иш ўринлари қисқармоқда. Хуллас, кўпчиликнинг ҳаёт кечириши қийинлашмоқда, аҳоли ҳимояга, меҳр-шафқатга, адолатга муҳтож. Хоҳ ишлаб чиқаришда, хоҳ турар-жойларда бўлсин меҳнаткашни ҳимоя қилиш касаба уюшмалари учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Хўш, аслида ҳам шундай бўлаяптими? Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раиси Дилбар ЖАҲОНГИРОВА билан жамоатчи мухбиримиз Будир ПЎЛАТОВ ана шу мавзуда суҳбатлашди.

— Дилбар Набиевна, бир гуруҳ кишилар бойиб, бир гуруҳ кишилар қашшоқлашиб бораяпти. Очиғини айтганда, илгари она-Ватанга ҳалол меҳнат қиламан деб на бир-икки танга ва на мол-мулк йиғмаганларнинг аҳволи оғир бўлиб қолди. Биз социалистик тузум қурамиз дедигу, лекин социал яъни ижтимоий ҳимоялаш даражамиз капиталистик мамлакатлардан кескин паст бўлиб чиқди. Аввало инсон хўрланмаслиги, таҳқирланмаслиги керак. Ахир биз ҳозир мустақиллик тўфонида ижтимоий адолат учун курашаяпмиз. Шулар ҳақида нималар дея оласиз?

— Жамиятимиз, шу жумладан, касаба уюшмаларининг барча тизими қайта қуриш қийинчиликларини бошидан кечирмоқда.

Нархларнинг тинмай кўтарилаётганлиги, пулнинг қадрсизланиши, озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллиги, турмуш даражасининг борган сари пасайиб бораётганлиги, ишсизлик касаба уюшмалари ходимларини ҳам ташвишга солмоқда. Иқтисодиётни соғломлаштириш бўйича олиб борилаётган тадбирлар яхши самара бермаяпти ва натижалар кўнгилдагидек эмас. Бу эса касаба уюшмаларининг зиммасига масъулият юклайди, зеро улардан халқ манфаати йўлида ҳормай-толмай кураш олиб боришни, меҳнаткашлар ҳак-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда дадил ва изчил бўлишни талаб этади.

Саволингизда кам таъминланган меҳнат нафақасидагилар ва оилаларни назарда тутдингиз чоғи. Бу масалада вилоят Ҳокимлиги билан кўп мулоқот қилдик, талашиб-тортишдик. Вилоят бўйича кам таъминланган мухтож кишиларга иссиқ овқат ташкил этилди. Бу вилоятдаги барча шаҳар ва районларда йўлга қўйилди. Шу мақсадларга вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан 100 минг сўм маблағ ажратилди.

Қам таъминланган оилаларга иқтисодий кўмак бериш мақсадида олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун вилоят ижтимоий ёрдам жамғармасини ташкил этишга келишиб олдик. Жамғарма маҳаллий бюджет, хўжаликлар, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳисобидан ажратилиб кўп болали, кам таъминланган оилалар фарзандларига, етим-есирларга транспорт ва овқатланиш учун қўшимча суратда берилади.

Ижтимоий ҳимояга мухтож кишиларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор бераяпмиз. Вилоят касаба уюшмалари қийин иқтисодий аҳволни ҳисобга олиб, бир неча минг меҳнаткаш ва унинг оила аъзоларини санаторий, касаба уюшмаларининг пансионат ва дам олиш уйларида, 20 минг кишини корхоналар, ташкилотларнинг санаторий-профилакторийларида соғломлаштириш учун 7 миллион сўмни ижтимоий суғурта фондидан ажратди. Шунингдек, инфарк ҳолатидан кейинги ва ошқозон операцияси бўлган бетобларни даволаш, болаларни соғломлаштириш учун соғликни муҳофаза қилиш органлари орқали Луначарский номли санаторийга 174 та ва «Чинобод» санаторийсига 90 та йўлланма ажратишни мўлжаллаганмиз, шу мақсадларга 350 минг сўмдан кўп пул маблағи ажратишни режалаштирганмиз.

— Тошкент вилояти Ҳокимияти билан вилоят касаба уюшмалари кенгаши ўртасида битим тузилган эди. Шу ҳақда сўзлаб берсангиз.

— Кўпчиликка маълум, бундай Битим тузишдан мақсад меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилишдир. Битим бозор иқтисодиётига ўтиш, мулкларнинг шакллари кўпайган, нарх-наво тинмай ошиб, иқтисодий қийинчиликлар хуружи авжига чиққан пайтда, айниқса муҳим аҳамиятга эга. Умуман меҳнаткашни ҳимоялаш мақсадида ақл билан иш юритишга, эртанги кунга сергаклик билан назар ташлашга, ҳозирги турмуш тарзи, маош, ишлаб чиқариш, таълим-тарбия, моддий неъмат яратиш, ночор аҳволдаги оилалар, мухтож кишилар ва ногиронлар, умуман бозор иқтисодиёти уммонидаги кўп воқеаларни таққослаш, таҳлил қилиш ва халқ манфаати йўлида иродамизни кўрсатишга ҳаракат қилаяпмиз. Шу ўринда баъзи мисолларни келтириб ўтмоқчиман. Айрим саноат, қурилиш, коммунал-маиший хизмат, умумий овқатланиш корхоналари мулкнинг бошқа усулларига ўтказилаяпти, чунончи хусусийлаштирилмоқда. Табиийки, бунда кўпгина ишловчиларнинг ишдан бўшашларига тўғри келади. Хўш, беш-олти фарзандли оила бошлиғи бирдан қаерга боради? Ишсизга айланиб қолмайдими?! Ярага туз сепгандек бўлмайдими? Шуларни ҳисобга олиб Ҳокимият билан бўлган Битимнинг моддаларидан бирига бирор жойда **мулкни хусусийлаштириш амалга ошириладиган бўлса, албатта аввалдан касаба уюшмаларининг розилиги олиниши қайд этилган. Касаба уюшмалари аввалдан хабардор бўлиб одамларни ишга жойлаштириш, лозим бўлса ихтисосини ўзгартириш каби масалалар билан шуғулланади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан халқни ижтимоий ҳимоялаш бўйича қатор Фармонлар чиқарилди. Лекин уларнинг ҳаммаси изчил бажарилаяпти деб бўлмайди. Бизнинг вазифамиз уларнинг тўла-тўкис бажарилиши учун курашишдир. Масалан, 1991 йил 29 декабрда «Эркин нарх белгилаш муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирлар тўғрисида» Президент Фармони эълон қилинган эди. Ана шу Фармондан фойдаланиб Ҳокимият олдига асоссиз равишда маҳсулотларга нархларни ошириб юборган корхоналар маҳсулотига нархларни чегаралаш ҳақидаги талабни қўйдик ва у ижро учун қабул қилинди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

— Мулкни хусусийлаштириш ва бу борада касаба уюшмаси фаолиятига қандай қарайсиз?

— Бугун касаба уюшмаларининг айрим йўналишларини ифода этарканмиз, бизни мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдаги қарашлар ўйлантириб қўймоқда. Илгари қўлланмаган ва ҳозир охиригача изоҳланмаган узуқ-юлуқ тушунчалар меҳнаткашларни жонсарак қилиб қўймоқда. Тўғри, хусусийлаштириш давр тақозоси эканлиги икки карра икки тўртдек аниқ ва у бозор иқтисодиётининг табиий йўли. Лекин, айниқса аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат, савдо, умумий овқатланиш тармоқлари касаба уюшмалари қўмиталари ва хўжалик раҳбарлари масаланинг бошқа нозик томонларига эътибор билан қарашлари, эҳтиёткорлик билан ёндошишлари даркор. Мақсад ягона — ҳаммаси меҳнаткашни ижтимоий ҳимоялашга, меҳнат жамоасини сақлаб қолишга, унумли меҳнат қилишга ва халқ даромадини кўпайтиришга қаратилган тўғри ва оқилона йўл бўлмоғи даркор.

Турар-жойларни хусусийлаштириш ҳақидаги масалага келсак, меҳнаткашнинг аксарияти уни яхши идрок эта олаётгани йўқ. Чунки ҳар бир деҳқон, ишчи, оддий меҳнаткашга бир нарса равшан: ўз маблағига турар-жой сотиб олишга қодир эмас. Агар каталакдек уйда 4—5 фарзанди билан 8—10 йилдан бери уй учун навбатда турган, қимматчилик вақтида қора қозонини зўрга қайнатиб турган ишчи қайси пулига уй сотиб олади? Бундай хусусийлаштириш адолатдан бўлмайди. Бу каби мураккаб масалалар ётиғи билан, меҳнаткашлар манфаати нуқтаи-назаридан ҳал этилиши керак.

— Албатта, кишилар соғлиғини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш доимо касаба уюшмаларининг диққат марказида бўлиб келган, шундай эмасми?!

— Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кишилар соғлиғини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш мураккаблашиб бормоқда. Афсуски, ҳозиргача вилоят халқ хўжалигида 40 мингга яқин ишчи, шу жумладан, 16 минг хотин-қиз оғир иш шароитларида ишламоқда. Корхоналарнинг фойда кетидан қувишлари сабабли хавфсиз меҳнат шароитини яратиш учун ажратилаётган маблағлар етарли ўзлаштирилмаётир. Инсон бундай оғир шароитларда ишлаганда тез-тез касал бўлади, меҳнат қобилияти пасайиб, дардчил бўлиб қолади. Айниқса қурилиш, автотранспорт корхоналари, далачилик-саноат мажмуида шикастланиш кўп. Қасаба уюшмалари шароитдан ва имкониятлардан келиб чиқиб бу борада янгича усулларни ишлаб чиқишлари зарур.

— Фойда кетидан қувиш ҳақида гапирдингиз, бу бошқа соҳалар, маданиятимиз, маънавиятимизга ҳам салбий таъсир кўрсатмаяптимикан?

— Бу ҳам ҳаётимиздаги энг оғриқ нуқталардан бири. Бугунги кунда касаба уюшмалари маданият, жисмоний тарбия, спорт ва болаларни соғломлаштириш ишларини янгичасига, замон талаблари асосида ташкил этишга ундашлари керак. Очиғи фойда кетидан қувиш оқибатида клублар, кутубхоналар, спорт иншоотлари ва ҳатто болаларнинг соғломлаштириш ёзги лагерлари беркитилиб ёки бошқа мақсадларда фойдаланилаётир. Айрим «уддабурон»лар район, шаҳар корхоналарини катта пуллар билан қизиқтириб болаларни соғломлаштириш лагерлари, маданий хордиқ жойлари, саройлар, маданият ўчоқларини олиб қўяётганликлари ҳам сир эмас. Тижорат бепул тўгараклар, курслар, турли хил спорт-соғломлаштириш секцияларини қисиб чиқармоқда, болалар клублари фаолият кўрсатмай қўйди.

Ахир бундай иш тутиш бизни келажак авлод олдида гуноҳкор қилиб қўймайдими? Бугунги қийинчиликлардан қўрқиб, эртанги кунни ўйламаслик ақлдан бўлармикан. Бизнингча маданият, жисмоний тарбия, дам олишни ташкил этишда янгича йўл топиш керак. Биз ҳам бу борада айрим режалар тузаяпмиз. Масалан, кўпчилик касаба уюшмаларининг якка-якка иш олиб боришга маблағлари етишмайди. Вилоят касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан шу мақсадлар учун махсус жамғарма ташкил этиш ҳаракатидамиз.

Бир сўз билан айтганда, асл мақсадимиз — халқ манфатини кўзлаш, уни ҳимоялашдир.

Хабарлар мағзи

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислом Каримов Американинг Си-Эн-Эн телекомпанияси мухбири билан учрашди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармонига биноан ўрток Мирзажон Йўлдошевич Исломов Фарғона вилояти ҳокими этиб тайинланди.

● **АТОҚЛИ** олим, давлат арбоби Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қабул қилди.

● **9—11 АВГУСТ** кунлари миллий кураш бўйича Шаҳрисабзда ўтадиган халқаро Амир Темур мусобақасининг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус совғини билан тақдирланади.

● **МОСКВАДА** чиқадиган «Московские ведомости» газетаси жамоаси 150 минг сўмга Навоий мол-фонд биржасидан брокерлик ўрнини сотиб олди.

● **БУНДАН** бир неча кун аввал тунда Томск шаҳрида бир шер ва икки айиқ кўчада сайр қилиб юрганини кўриб қолишди. Маҳаллий кооперативлардан бирига тегишли бу жониворларни кимдир шунчаки ҳазил қилибми ёки кооператорларга зарар етазиш мақсадидами, атайлаб қафасдан чиқариб юборган. Ҳайрият, тунги сайёҳларни милиция ушлади.

● **МАҲАЛЛИЙ** ўт ўчирувчилар Череповецда ҳар тунда биттадан кооператив дўкон ёниб кетаётганига эътибор беришди. Ёнғинлар одатда тунги соат иккиларда бошланиб, тахминан бир соат давом этади. Шу вақт ичида дўкон куйиб кул бўлади.

● **ГИТЛЕР** жасадининг қолдиқлари, илгари расмий равишда таъкидланганидек, 1945 йилда йўқ қилиб юборилмаган, балки бир неча бор қайта дафн этилган ва 1970 йилдагина бутунлай йўқотиб юборилган экан. Таниқли тарихчи ва журналист Л. Безименский ана шундай шов-шувли хабар билан чиқди.

● **МАФИЯ** кимнидир ўлимга маҳкум этдими, сўзининг устидан албатта чиқишини, уни ҳеч нарса тўхтатиб қололмаслигини яна бир бор исботлади.

Бу гал Палермо прокурорлигининг энг қаттиққўл, ҳатто мафия бошлиқларига тегишли ишларни ҳам қўркмай охирига етказадиган Паоло Борселинога суиқасд қилинди.

● **2000 ЙИЛДА** бўладиган олимпиада ўйинларига Тошкентнинг даъвогар эканлиги ҳақидаги хабар Барселонада бўлиб ўтган йиғилишда жаҳон журналистлари ва спортчиларида катта қизиқиш уйғотди.

ҲЕЧ ҚАНДАЙ ХАВОТИР ВА ШУБҲАЛАРГА ЎРИН ҚОЛМАСИН

Қодир ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Социал таъминот вазирининг биринчи муовини.

Нафақаларнинг энг кам миқдори 1000 сўмга етказилиши муносабати билан 2,5 миллионга яқин нафақачиларимизнинг социал ҳимояланиши ва моддий таъминоти анчагина яхшиланадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июндаги «1992 йил 1 июлдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисидаги» Фармонига кўра, иш ҳақининг энг кам миқдори билан нафақанинг энг кам миқдори тенг қилиб белгиланди.

Бу Фармоннинг муҳим томони шундаки, бундан буён кўплаб нафақачиларни ранжитиб келаётган нафақа таъминотидаги адолатсиз тенглаштиришга чек қўйиладиган бўлди. Шу йилнинг 1 октябридан бошлаб, фуқароларнинг ишлаган даврига (иш стажига) қараб ва уларнинг хизматларини ҳисобга олган ҳолда нафақаларнинг табақалаштирилган миқдорлари жорий этилади. Яъни, нафақанинг миқдори фуқаролар ишлаган даврининг оз-кўплигига ва кўрсатган хизматларига боғлиқ бўлади.

Нафақаларнинг энг кам миқдори 1000 сўмга оширилиши муносабати билан унга бериладиган қўшимчалар миқдори ҳам кўпаядиган бўлди. Чунки энди бу қшимчаларнинг барчаси ана шу сумма ҳисобидан келиб чиқади.

Фармонда Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчиларини социал ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилган. Уларга ёшига нисбатан нафақанинг энг кам миқдори 1300 сўм қилиб белгиланди. Эндиликда меҳнат стажига эга бўлган 1 ва II-гуруҳ ногиронлари ойига 3250 сўм (1300 сўм ва унинг 150 фоизи-1950 сўм), III-гуруҳ ногиронларига 2300 сўм (1300 сўм+1000 сўм), уруш қатнашчилари эса 1625 сўм (1300 сўм+325 сўм) миқдорида нафақа оладиган бўлдилар.

Тўлиқсиз иш стажи билан энг кам миқдорда қарилик нафақаси олувчи I ва II-гуруҳ уруш ногиронлари 2600 сўм (650 сўм+1950 сўм), III-гуруҳ уруш ногиронлари 1650 (650 сўм+1000 сўм), уруш қатнашчилари эса 975 (650+325) сўмдан кам бўлмаган миқдорларда нафақа оладилар.

Уруш қатнашчиларидан бўлган умумий касаллик ва Армия ногиронларининг нафақалари ҳам сезиларли ортди. Уруш қатнашчиси умумий касаллик ёки Армиянинг I-гуруҳ ногирони бўлган ҳамда II-гуруҳдаги ёлғиз фуқаролар нафақаси 2275 сўм, кўзи ожиз I-гуруҳ ногирони бўлса — 2925 сўм, II-гуруҳ ногирони бўлса — 1625 сўм, III-гуруҳ ногирони бўлса 975 сўм бўлди.

Фармонга асосан ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларини ҳимоя қилиш ҳам кескин ўзгарди. Урушда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи оила аъзоларининг ҳар бири учун 1000 сўм, агар ҳарбий унвони бўлса — 1100 сўм миқдорда боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинланадиган бўлди. Демак, уларнинг нафақалари ҳам қарийб икки баробарга ортадиган бўлди.

Агарда бу нафақа ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-онаси ёки турмуш ўртоғига тайинланган бўлса, унинг миқдори яна 150 сўмга оширилиб, 1150 ва 1250 сўмга етказилади.

Вафот этган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига бериладиган 412 сўм 50 тийин нафақа 750 сўмга, агар ҳарбий унвонга эга бўлган бўлса — 825 сўмга оширилди.

Фармонга биноан боқувчисини йўқотганлик нафақалари ҳам ортди. Боқувчиси вафот этган ҳар бир оила аъзоси учун 500 сўм, ҳам отаси, ҳам онасидан ажралган етим болаларга ва ёлғиз онанинг ҳар бир фарзанди учун 1000 сўм миқдорда боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қарилик, I—II-гуруҳ ногиронлик ва меҳнат нафақаларини олувчиларнинг қарамоғидаги меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир оила аъзоси учун яна 500 сўмдан қўшимча қўшиб берилади.

Ҳозирги кунда Республикамизда 2, 3, 4 ҳатто 5 нафар болаларига 500 сўмдан қўшимча оладиган нафақачиларимиз ҳам оз эмас. Уларнинг нафақалари қўшимчалар билан 2—2,5 ва ҳатто 3 минг сўмга етмоқда.

Қандайдир сабабларга кўра, меҳнат стажига эга бўлмаган ва ишламаган қарияларга, ногиронларга ва боқувчисидан ажралган оиланинг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига бериладиган социал нафақалар ҳам икки баробарга ортди.

Ёшига нисбатан нафақа олувчиларнинг нафақаси 275 сўмдан 500 сўмга, I-гуруҳ ногирони, I ва II-гуруҳ болаликдан ногирон ва 16 ёшгача ногирон болаларга 1000 сўм, II-гуруҳ ногиронларга — 500 сўм, III-гуруҳ ногиронларга — 300 сўм, боқувчисини йўқотган ҳар бир болага — 500 сўм, қаҳрамон оналарга эса — 1000 сўм миқдорида нафақа тўланади.

Нафақаларнинг миқдори меҳнат стажининг давомийлиги ва иш ҳақига боғлиқ бўлиши муносабати билан бундан бир неча йиллар илгари нафақага чиққан кўпчилик фуқароларимизнинг меҳнат стажи ва иш ҳақи тўғрисида қўшимча ҳужжатлар олиш учун ўзлари илгари ишлаган корхона, ташкилот, муассасаларига, давлат ва жамоа хўжаликларига ҳамда давлат ҳужжатхоналарига мурожаат этишлари табиийдир. Шунинг учун ушбу муассаса ходимлари уларга керакли ҳужжатларини қанча тез расмийлаштириб берсалар, ишимиз анча енгиллашиб, одамларга тезроқ қулайлик яратилади.

Агарда нафақачилар қандайдир сабабларга кўра июль ойидаги пулларининг фарқини ўз вақтида олишолмай қолсалар бу фарқ август ойига албатта қўшиб берилади. Бу борада ҳеч қандай хавотир ва шубҳага ўрин қолмаслиги керак.

Фарғона вилоятидаги Бешариқ мебель фабрикаси ташкил топганига эндигина икки йил бўлди. Лекин қисқа муддат ичида корхонанинг довруғи бутун республикага ёйилди. Бу ерда 16 турдаги уй жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда. Муҳими шундаки, фабрика маҳсулотлари бозор ва магазин нархларидан 20—30 фоиз арзонга сотилмоқда. Айрим турлари эса ҳатто, 40 фоизга арзондир.

Суратларда: 1. Фабрика директори Ҳайрулла Саъдуллаев (чапда) фабрика ходимлари билан суҳбатлашмоқда. 2. Шкаф тайёрлаш цехи бошлиғи Анвар Қимсанов (ўртада) ёш ишчилар Муроджон Эргашев, Мансур Қўчқоровлар билан.

Турғунбек МАҲҚАМ олган суратлар.

БУ ЎЙИНДА ЮТҚАЗИЛМАЙДИ

Республикамизда биринчи бор муомалага чиқарилган ички заём ютуқларининг дастлабки-навбатдан ташқари тиражи ўтказилишига ҳам саноқли кунлар қолди. Шу муносабат билан бир пойтахтимизнинг Ленинград кўчасида жойлашган омонат кассасида бўлиб, кўплаб кишиларнинг заём облигациялари сотиб олаётганлигининг гувоҳи бўлдик, уларнинг фикри билан қизиқдик.

Ш. Дўрмонов, нафақахўр: Афсус, олаётган нафақамни аранг рўзғорга етказаяпман, пулим бўлганида албатта сотиб олардим.

Ҳ. Абдуллаев, ишчи: Қиймати 1000 сўмлик заём облигациясидан иккитасини сотиб олдим. Худо хоҳласа омадим келиб, ютуқ чиқса, кичик фарзандимга уй олиб бермоқчиман.

ШУНИНГДЕК, тошкентлик Н. Юнусов, В. Петров, Л. Асадуллаева ва бошқалар ўз омадларини синаб кўриш ниятида Мустақил республикамизнинг дастлабки заём облигацияларини сотиб олишди. Биз уларга омад тилаб, республика жамғарма банки бошқармасига йўл олдик. **Банк бошқаруви раисининг ўринбосари Р. Ф. ЖИТКЕВИЧГА бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.**

— Рената Петровна, шаҳримиздаги омонат кассаларидан бирида заёмларни харид қилаётган кишилар билан суҳбатлашдик. Айтингчи, ўзингиз ҳам ана шу заёмни сотиб олдингизми? Ундай бўлса, Сизга ва харид қилган кишиларга заём қандай наф беради?

— Бирор марта ҳам на заём, на лотереядан ютган бўлмасамда, бахтимни синаб кўриш мақсадида қиймати 1000 сўмлик иккита заём сотиб олдим. Чунки заём эгасига ютуқ чиқмаган тақдирда ҳам у ҳеч нима ютқазмайди. Пул керак бўлиб қолса, истаган вақтда топшириб, пулини қайтариб олишлари мумкин. Бундан ташқари, заём облигацияларининг 32 фоизига ютуқ чиқишини алоҳида таъкидламоқчиман.

— Айтингчи, заём эгалари яна авалгига ўхшаб алданиб қолишмайдими?

— Маълумки, илгари республикамиз собиқ иттифоқнинг йўл-йўриқларига амал қилиб иш тутар эди, ҳозир эса Ўзбекистонимиз Мустақил давлат ҳисобланади. Демак, ҳукуматимиз бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, аҳолининг пуллари пухта сақланиши ва истаган вактида қайтарилишига кафиллик беради.

Рената Петровна, ҳозирга қадар неча сўмлик заём облигациялари сотилди?

22 июндан 20 июлга қадар 1 миллиард сўмлик заём облигациялари сотилди. Умуман 5 миллиард сўмлик заём муомалага чиқарилади.

— Заём облигацияларининг чиқарилишида пулнинг инқирозга учраши ҳам назарда тутилганми?

— Албатта, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, бозор муносабатлари шароитида заёмнинг қадрини сақлаб қолиш учун пулнинг инқирозга учраши инобатга олинган. Агар ҳозир ютуқ 12 фоизни ташкил этса, пул инқирозга учрагандан сўнг, биз уни 20 фоизгача кўтаришимиз мумкин.

— «ИШОНЧ» мухлисларига тилагингиз...

— Ўз пулларини қадрсиз қоғозга айлантирмай, тўшак қатида сақлаб ўтирмасдан заём облигацияларини сотиб олишларини истайман.

— Суҳбатингиз учун рахмат.

Суҳбатдош: Алишер ҲАКИМОВ.

Адолат тарозиси

БИР КИШИНИНГ шошқалоқлиги оқибатида Гулистон районидаги «Бешбулоқ» жамоа хўжалигида мислсиз оғир мусибат юз берди. Хўжаликнинг «Ўзбекистон» участкасидаги хонадонлардан бирида бирйўла учта тобут кўтарилди. «Жигули» бошқарган шофёр ва унинг икки нафар жигаргўшаси бевакт ҳаётдан кўз юмишди. Минг афсуски, улар бировнинг, аниқроғи Аҳадқул Жумабоев деган бир шахснинг айби билан ҳалок бўлишди. «ЗИЛ—130» машинасини бошқариб, йўлнинг бурилиш жойида ҳам тезликни пасайтирмаган бу шахс, «ВАЗ—2106» енгил автомашинасини уриб кетди.

Шу йил 21 июнь куни Оқолтин районидаги Абдалин номли давлат хўжалиги ҳудудида давлат номери А — 70—11 — СИ бўлган ВАЗ — 21063 «Жигули» автомашинаси техник носозлиги туфайли йўлдан чиқиб кетиб, ағдарилди. Уни бошқариб бораётган Дадо Сайдуллаев ва унинг хотини ҳалок бўлди, 7 ёшли фарзанди эса оғир аҳволда касалхонага жўнатилди. 97—42 — СИО номерли «МАЗ—503» автомашинаси шофёри Тўлкин Холбеков эса рулни маст ҳолда бошқарганлиги учун ҳушёрликни йўқотиб, У — 31—20 ТН номерли «ВАЗ — 2107» автомашинасини уриб юборди. Оқибатда «Жигули» ҳайдовчиси ҳалок бўлди, унинг ёнидаги икки нафар йўловчи оғир тан жароҳати олди. «МАЗ—503» автомашинасидан ҳам ҳайдовчи ва ёнидаги икки нафар йўловчи оғир аҳволда касалхонага жўнатилди.

Юқоридаги фожеалар ўнлаб хонадонларга оғир мусибат олиб келди. Агар транспорт бошқараётган кишилар масъулият ва ҳушёрликни йўқотмаганларида, одамлар ҳалок бўлмасди ёки оғир тан жароҳати олиб, ногирон бўлиб қолишмасди.

Йўл ҳаракати бўйича янги қонун кучга киргандан бери қоидани бузишнинг кўпчилик турлари тартибга туша бошлади. Лекин вилоятимизда автотранспортни спиртли ичимлик ичган ҳолда бошқариш ҳоллари ҳамон камаймаяпти. Шу йилнинг дастлабки беш ойи мобайнида вилоят йўлларида 1008 та ана шундай қонунбузарлик аниқланди. Бунинг оқибатида 45 киши бевакт ҳаётдан кўз юмди.

Одамни уриб кетиб, ёрдам бериш ўрнига қочиб қолувчилар ҳам учраб туради. Шу йил 2 июнь куни Янгиер шаҳрида 17 ёшли иккита йигитчани аллақандай машина уриб кетганлиги ҳақида хабар олинди. Болалар велосипедда кетаётган экан, уларнинг бири воқеа содир бўлган жойда ҳалок бўлди, иккинчиси оғир аҳволда касалхонага тушди. Бироқ, айбдор ким экани номаълум. Уни кидириш роса ўн кун давом этди. Маълум бўлишича, қочоқ қоида бузар А—67—76—ЛБ номерли «ВАЗ—21063» автомашинасининг ҳайдовчиси Бахтиёр Пўлатов экан. Агар у йигитчаларга шошилинч ёрдам берганида, эҳтимол, ёшгина бир ниҳолнинг умри сақлаб қолинган бўларди. Албатта, бунақа шахслар ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб берадилар. Бироқ, бундан бевакт ҳалок бўлганларга, уларнинг орқасидан додфарёд қилиб, қон қақшаб қолганларга не фойда? Жазолар, қамоқлар ўлганларни тирилтириб беролмайди-ку? Мусибатдан ёнган юракларнинг ўтини ўчирмайди-ку? Ҳамма, аввало машина бошқариб бораётган кишилар ана шулар ҳақида ўйлашлари керак.

Бемаврид юмилган кўзлар. Буни ўйласанг, вужудинг ларзага келади. Арақдан, мол-дунёдан, шафқатсизликдан, ҳушёрликни йўқотишдан ёғ босган очиқ кўзлар баъзи кишиларнинг абадий кўз юмишига сабаб бўляпти. Бир донишманддан дунёда ўлик кўпми ёки тирик, деб сўрашганида, «ўлик кўп» деб жавоб берган экан. Эҳтимол, ўша донишманд ўзлари тирик бўлганлари ҳолда оламга, атрофга, ҳаётга зийраклик билан қарамайдиган, бугун ва эртага нима бўлишини ўйламайдиган одамларни тириклар сафига қўшмагандир.

Юсуфжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати бўлими бошлиғининг муовини.

ИНСОФ БЕРСИН

ДАЛА ҳовлидан жуда яхши кайфият билан қайтаётган эдим. Баҳорда экилган экинларимнинг ҳосили ғарқ пишибди. Бир сумка-ю бир челак қилиб териб олдим. Қош қорайишини кутмаёқ автобус бекатига келдим. Қани энди автобус келақолса-ю тезроқ Тошкентга етиб бориб томорқа ҳосилидан фарзандларимни баҳраманд қилсам.

Йўқ, Октябрь бозори — Олтин Тепа йўналиши бўйлаб қатновчи-автобуслар шанба ва якшанба кунлари кечга бориб 4 та ўрнига битта ёки иккита қолар экан. Қолганлари бир баҳонани рўкач қилиб тўйгами, гаражгами «қуён» бўлишаркан. Бугун ҳам ҳар галгидек бир ярим соат бекатда сарғайиб турдим. Ниҳоят 185-автобус ҳам келди. Кечикишга кечикиб, зарда билан чиптани бошимизга муштлагандек қилиб беришди. Бир оғиз гапириб кўрингчи, балога қоласиз. Шу боисдан иссиқ ва тиқилинчда тишни тишга қўйиб боришга мажбур бўлдик.

Бир амаллаб қўлдаги юкларим билан Чорсуда тушиб қолдим. Қани энди буёғига 11 ёки 95-автобуслар кела қолса. Бир соату ўн минут қутдим. Йўқ. Қош қорайгач ҳаммом томондаги дарахтзор ичидан чиққан чивинлар бекатда турганларни талай бошлади. Шанба ёки якшанба кунлари қаерга тўйга борсам, ўша ерда 11 ёки 95-автобусларни кўрар эдим. Бугун ҳам улар тўйма-тўй юрган бўлса керак, деб охири троллейбусга чиқиб марказий телеграфгача етиб олдим. Сўнг 14-троллейбусда аэропорт томон кетдим. Шу тариқа Тошкент биқинидаги Зангиота районида жойлашган «Иттифоқ» жамоа хўжалигидан аэропортгача 4 соатда аранг етиб келибман. Энди бензиннинг литри ўн сўм эмас, 100 сўм бўлса ҳам дала ҳовлига ўз машинамда чиқайин-а, деб аҳд қилиб қўйдим ичимда.

Яна ўйлаб қолдим. Машинаси борлар асабини бузмай, вақтини ортиқча йўқотмай ўз машинасида истаган жойига ғир этиб бориб келар, лекин машинаси йўқлар нима қилади. Улар тўрт соатлаб йўлда ўтираверадими. Ишқилиб транспортчиларга инсоф берсин. Ўзларини у ёқ-бу ёққа ташламай, бўлмагур баҳоналарни рўкач қилмай нонларини ҳалоллаб есинлар. Бўлмаса одамлар қарғишига қолиш ҳеч гап эмас. Шундай экан, қарғиш эмас дуо олишга ҳаракат қилинг, азизлар!

Жасур НОСИРОВ.

ҲАМҚИШЛОҒИМ Жамолиддин аканинг хонадонига кириб борганимда вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Икки хонали уйга разм солдим: деворлари қора суворлигича қолган, тахмонда эски кўрпа-ёстиқ тахлоғлиқ, бўялмаган пол устига оддий шолча тўшалган. Болалар ухлаб қолишибди. Жамолиддин аканинг бир ўзи шумшайиб ўтирган экан. Мени кўриб хурсанд бўлиб кетди.

— Ўғлим Ҳасанбойни куни кеча касалхонадан олиб келдим, — деди у тўрда ётган болага ишора қилиб. Опаси ёзган хатни ўзи билан олиб келган экан. Ҳозир шуни ўқиб турган эдим. Сен ҳам ўқигин-а, бутун дардимизни ёзибди қизим тушмагур.

Хатга мен ҳам кўз ташладим.

* * *

«Ҳасанбой, соғлигинг яхшими? Оёгинг-чи? Куни кеча ош қилган эдим. Дадам «ошинг шавла бўлибди-ку, деб кулиб қўйдилар. Касалхонага, сенга ҳам олиб боришимни айтдим. Ахир хонадош бемор ўртоқларингнинг ота-онаси ош қилиб борса, ўксинма дедим-да, укажон!

Мана, мен ўқиётган Учкўприк районидаги 19-ўрта мактабнинг 8-синф қизлари билан тикувчилик тўгарагига қатнашяпман. Тикувчиликни ўрганиб олсам, сенга яхши кўйлаклар тикиб бераман.

Куни кеча мактабимизда ота-онасиз қолган ночор ва ногирон ўқувчиларга кийим-бош беришди. «Ҳасанбой билан Ҳайитбойга ҳам кийим-бош беринглар!» деб айтгим келди-ю, айта олмадим. Онам икки фарзанди ногиронлиги сабабдан ташлаб кетганлиги учун сўрашга бетим чидамади.

Ўша куни мактабдан келсам, дадам бошлари оғриб ётиб қолибдилар. Дардимни айтолмадим. Бизларни оқ ювиб-оқ тараб парваришлаётган дадамга раҳмим келиб кетди. Дарҳол чой дамлаб, ичирдим. Бошларини рўмолчам билан боғлаб қўйдим. Укам Ҳайитбойнинг ҳам гоҳ-гоҳ тоби бўлмай қоляпти.

Ҳа, айтгандай, Наврўз куни Туркиядан келган шакар, ширин сут, макарондан бизларга ҳам беришди. Наврўз куни дадам, амаким ҳам ҳайитлик беришди. Сенга туфли олай десам етмади. 10-синфгача ўқишга имкониятим йўқ. 8-синфни тамомлаб, тикувчиликка ўқишга кираман. Сенга, Ҳайитбойга ва дадамга янги кўйлак-шим тикиб бераман, хўпми? Сени соғиндик, тезроқ чиқ. Кутамиз.

Опанг Маҳбуба».

✦✦✦✦✦

Муаллифдан: 12 ёшли Ҳасанбой бир ярим яшарлигида қишлоқ ҳамширасининг масъулиятсизлиги сабабли ногирон бўлиб қолган. Ўн ёшли Ҳайитбой эса «ақли заиф» деб топилган. Оналари уларни ташлаб кетганига ҳам анча йил бўлди. Жамолиддин ака 14 ёшли Маҳбуба билан кир ювади, овқат қилади... Уларнинг орзуси битта: Қани энди ногирон болаларга ҳам махсус дастур асосида хонадонда таълим беришса. Учкўприк район халқ таълими бўлими бундай болаларга кийим-бош бериш масаласини хал қилмаган. Фарғона вилояти ва район болалар жамғармаси кўпгина ногиронлар ҳолидан бехабар.

Ногирон фарзандлари деб Жамолиддин ака Ўзбекистон ХДП Марказий Қўмитаси котибининг қабулхонасида бўлди, Ўзбекистон ойнаи жаҳони, Фарғона вилояти, Учкўприк район ижтимоий таъминот раҳбарларига ёзма ва оғзаки равишда мурожаат қилди. Югур-югурлардан сўнггина ҳозирда ногирон Ҳасанбой, Ҳайитбойларга нафака тўланаяпти.

Ўйлаймиз-ки, район раҳбарлари ногирон-ночор болалардан меҳрларини дариғ тутмайдилар!

Мухтор СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон маданият жамғармаси матбуот маркази мухбири.

Биздан сўрабсиз

Ушбу саҳифага келган саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг маслаҳатчилари Х. ПИРИМҚУЛОВ ва О. ЗАВАЛУНОВлар жавоб берадилар.

???

Синглимнинг турмуш ўртоғи 1982 йилда вафот этди. Орадан бир йил ўтгач ўзи руҳий касалликка чалинди. Шундан буён касалхонада ётибди. Унинг уч фарзандини ўз ҳомийлигимга олганман. Айтингчи, боқувчисини йўқотган болаларга неча сўм нафақа берилади?

Э. ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Самарқанд вилояти, Челак райони.

Пенсия таъминоти тўғрисидаги амалдаги қонун (120-модда)га мувофиқ, социал пенсия боқувчисини йўқотган болаларнинг ҳар бирига энг кам миқдордаги қарилик пенсиясининг 50 фоизи тўланади. Қарилик пенсиясининг энг кам миқдори 1992 йил 1 июлдан бошлаб 500 сўм қилиб белгиланган.

???

Қизим бир ёшга тўлгач ишга чиқдим. Ишга чиқмасдан аввал унга 110 сўм нафақа пули олардим. Ишлай бошлаганимдан сўнг қизимга берилаётган нафақани тўхтатишди. Боғча ҳисобчисига учрашсам фарзандингиз бир ярим ёшга тўлса 80 сўм нафақа тўлаймиз, ҳозир эса сизга пул тўланмайди, деди. Шу тўғрими?

С. ЖЎРАЕВА,
Сирдарё вилояти.

Бола бир ярим ёшга тўлмасидан она ишга тушса, у ишга чиққан вақтдан бошлаб бола учун 40 сўм миқдорида компенсация олади, шунингдек болалар моллари қимматлашганлиги муносабати билан тўланадиган компенсацияни тўла миқдорда олаверади. Бундан ташқари онага у тариф ставкаси ва маош олувчилар рўйхатига қўшилгунича иш жойидан ҳар ойда 60 сўм тўлаб турилади.

???

Турмуш ўртоғим 49 ёшида вафот этди. 4 фарзандим бор. Шулардан 3 нафарига нафақа пули олиб келаяпман. Тўнғичим университетда таълим олмоқда. Унга ҳам нафақа пули тўлашлари керакми?

А. КАРИМОВА,
Фарғона вилояти.

Пенсия таъминоти тўғрисидаги амалдаги қонун (40-модда)га мувофиқ, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг талабалари, агар боқувчиларини йўқотган бўлсалар, шу ўқув юртини тугатгунларига қадар, лекин узоғи билан 23 ёшга тўлгунларича тегишли пенсия олиш ҳуқуқига эгалар.

???

Ёшим 68 да. Товон пули билан ҳисоблаганда 550 сўм нафақа оламан. 27 йил жамоа хўжалигида колхозчи, 24 йил қишлоқ амбулаториясида фаррош бўлиб ишладим. Нафақани фаррошлик учун оламан. Жамоа хўжалиги томонидан ҳеч қандай ёрдам берилмайди. Менга жамоа хўжалиги нафақа тўлаши керакми?

О. АБДУРАХИМОВА,
Самарқанд вилояти.

Пенсия таъминоти тўғрисидаги амалдаги қонунларда жамоа хўжалигида ишлаганлик учун қўшимча имтиёзлар кўзда тутилмаган. Лекин иш стажи ҳисоблаб чиқилаётганда бу инобатга олинади.

Ҳозир бир қанча меҳнат жамоалари ўзларида маблағ етарли бўлса, пенсияга чиққан ўз собиқ ходимларига пулли ёки бошқа турдаги мукофотлар бериш тўғрисида қарорлар қабул қилишяпти.

???

Марҳум эрим Улуғ Ватан уруши II-гуруҳ ногирони эди. 9 фарзанднинг онасиман. Айтингчи, мен ўзимнинг олаётган нафақамни эримникига алмаштиришим мумкинми? Унга берилган автомашинани ўзимнинг ёки фарзандимнинг номига расмийлаштириб, эҳтиёт қисмлар ҳамда бензинни имтиёзли нархларда олишим мумкинми?

Т. СУЯРОВА,
Қашқадарё вилояти.

Фуқароларни нафақа билан таъминлаш ҳақидаги қонуннинг 6-моддасига биноан бир вақтнинг ўзида ҳар хил давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ўз хоҳишларига кўра биттасини танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Демак, сиз ҳам марҳум эрингизнинг нафақасини ўзингизники билан алмаштиришингиз мумкин. Бунинг учун сиз ижтимоий таъминот бўлимига ариза билан мурожаат этишингиз лозим.

Қонунга мувофиқ, Улуғ Ватан уруши ногирони сифатида оиласига бериладиган (шахсан ўзига бериладиган имтиёзлар бундан мустасно) барча имтиёзлар унинг вафотидан сўнг ҳам сақланиб қолади.

Эрингизга берилган автомашинани эса ўзингиз ёки фарзандларингиздан бирига расмийлаштириш ҳуқуқига эгасиз. Аммо бунда эҳтиёт қисмлар, ёнилғи сотиб олиш учун бериладиган имтиёзлар жорий этилмайди.

???

Армия хизматидан келганимга бир йил бўлди. Ота-онам вафот этишган. Ҳозирча ўгай онам билан ота-онамдан қолган уйда яшамоқдамиз. Аммо у мени уйдан ҳайдаяпти. Бошпанасиз қолдим. Шу боис сиздан мен ана шу уйда истиқомат қилишга ҳақлиманми деган саволимга жавоб беришингизни сўрайман.

Баҳодир СУЛАЙМОНОВ,
Қашқадарё вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Гражданлик кодексининг 577 ва 579-моддаларига биноан сиз ота-онангизни мулкига, агар отангиз сизни меросхўрликдан қонуний асосда маҳрум этмаган бўлсалар, меросхўр ҳисобланасиз. Шу жумладан уй-жой масаласида ҳам.

Ҳурматли Баҳодиржон! Агар бу масала ҳал қилинмаса, адвокат ёллаб, судга мурожаат этишингиз ёки Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг меҳнат ҳуқуқлари инспекциясига мурожаат этишингизни тавсия қиламиз.

???

1991 йил 1 октябрда штатлар қисқарди. деб, ишдан бўшатишди. Етти ойдан сўнг ишдан нотўғри бўшатилганлигим сабабли яна ўз ишимга қайта тикландим. Айтингчи, менга ишламаган ойларим учун маош тўланадими? Тўланса у кимдан ундирилади?

Ў. ДОСТОНОВ,
Жиззах вилояти.

Ишчи ёки хизматчи маъмурият томонидан қонунга хилоф равишда ишдан бўшатилган ёки кам маош тўланадиган ишга ўтказилган бўлса, тегишли органнинг қарори билан ўз ишига тикланган ҳолда меҳнат қонунлари ҳақидаги мажмуанинг 245-моддасига биноан мажбурий қилинган прогул учун ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

Бундай ҳақ ишчи-ходимга корхона ҳисобидан тўланади. Бунинг оқибатида корхонага келтирилган моддий зарар эса ишчи-ходимни нотўғри ишдан бўшатишда айбдор бўлган шахсдан ундирилади.

???

Иккинчи фарзандим 1991 йил 17 мартда туғилган. Айрим сабабларга кўра, 7 ойлик бўлганда унга туғилганлик ҳақида ҳужжат олдик. Боламизга у туғилган кундан бошлаб нафақа ва суюнчи пулларини олишга ҳақлиманми?

Шермат МАМАДАЛИЕВ,
Қашқадарё вилояти, Косон райони.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 1992 йил 22 январидаги 20/ 52 рақамли мактубига мувофиқ бола 1,5 ёшга етгунча уни парваришлаш учун ҳар ойда тўланадиган нафақа, агар уни тайинлаш учун бола 1,5 ёшга тўлмасидан олдин мурожаат қилинган бўлса, бола туғилган кундан бошлаб тайинланади ва у шу ёшга етгунича тўлаб борилади.

Саҳифани хатлар, оммавий ишлар, тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик бўлими тайёрлади.

ЗЕНИТ „ЗЕНИТ-7" фирмали техно-савдо маркази

ТАВСИЯ ЭТАДИ

ЖАЖЖИ КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН:

Ҳар бир кичкинтой самокат ва велосипедда мазза қилиб учишни орзу қилади. Уларнинг бу орзуларини рўёбга чиқариш мақсадида дўконимиз бир неча турдаги самокат ва велосипедларни савдога қўйди. Шунингдек, кичкинтойлар учун бу ерда ўйинчоқлар, митти тикув машинкаси ҳамда болалар аравачаси, каравот, коптоклар ҳам бор.

Болалар каравоти боғчалар ва болалар муассасаларига нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ХОНАДОН БЕКАЛАРИ УЧУН:

Мева ва сабзавотларни консервалашда аскотадиган асбоб ва ускуналар,това, электрқиймалагич, электрсамовар, «Фея» кир ювиш машинаси, 2 хил турдаги «Тула»газ плиталари, 3 хил тикув машинкалари, «Циклон» чангютгичи, пишириклар тайёрлаш учун колин, кофеин қайнатиш ва ичиш учун мўлжалланган идишлар, термос каби совғалардан беҳад мамнун бўладилар.

ДАДАЖОНЛАРИМИЗ УЧУН:

Доимо хўжалик юмушлари билан банд бўлувчи оталарнинг оғирини қисман бўлсада енгиллатиш максадида ошпичоқ, этикдўзлик пичоғи, махсус нарвон, бинокорликда ишлатиладиган чўмич, пайвандлаш випремителларини харид этишни ҳамда пармалаш, металл ва ёғочга ишлов берувчи дастгоҳлар,3 хил «Аэлита» магнитолаларини тавсия қилади.

Бу дастгоҳларни дўконимизга пул ўтказиш йўли билан ҳамда накд пулга олишингиз мумкин.

ОИЛА УЧУН:

«Сино», икки камерали «Донбасс», «Минск» совутгичлари, газета ва журнал учун хонтахта, телевизор учун айланма таглик қозонлар, гултувак турадиган осма тахталар, электрон сигнал қурилмаси, телевизор учун «Олень» стабилизатори, турли хил ёритгичларни сотиб олишингиз мумкин.

КЕЛИНЛАР УЧУН:

Австриянинг машхур фирмаларида тайёрланган оқ, қизил, яшил, сиёҳ рангдаги паст ва баланд пошнали замонавий пойафзаллар тавсия этилади.

ТИББИЕТ ХОДИМЛАРИ УЧУН:

ЭТНС-1, ЭТНС-2 электронейростимуляторлари.

АВТОМОТОҲАВАСКОРЛАР УЧУН:

«ВАЗ» ва Москвич» автомобиллари автоприцеплари, «Восход» мотоцикли,«Муравей» моторолери эҳтиёт кисмлари,«Восход», «ИЖ» двигателлари, автомобил ўриндиклари устига солиб қўйиладиган массаж шолча, «ГАЗ-24» енгил автомашинасининг олдинги ўнг ва чап канотлари, «Москвич» автомашинаси учун шовқин пасайтиргичлар комплекти, «Жигули» автомашиналарининг тяга, сцепление курилмаси, радиатор ва иситгич мавжуд.

ТУРИЗМ ИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН:

Монокуляр, дурбинлар, тунда кўришга мўлжалланган дурбин сафарда аскотади.

СПОРТ ИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН:

Саломатликларини мустаҳкамлаш, жисмонан бақувват бўлишларида дўконимизда сотилаётган харилар, чамбарак, уқалаш воситалари, велопринтерлар, спорт-ўйин тўплами ва бошқа анжомлар кўмакдош бўлади.

ФОТОҲАВАСКОРЛАР УЧУН:

«Любитель» ҳамда бир неча турдаги «Эликон» фотоаппаратлари, фотообъектив, фотоконструкторлар, фотосурат чиқариш учун зарур ашёлар, тасвирни катталаштириш курилмаси, диапроектор ва кинопроекторларни доимо дўконимиздан топишингиз мумкин.

ДАЛА-ҲОВЛИ СОҲИБЛАРИ УЧУН:

Культиватор, мотокультиватор, пуркагичлар тавсия этилади.

Бундан ташқари дўконимизда тикув, тўқув, кир ювиш машиналари, чанг ютгичлар, совутгичлар, фотоаппаратлар кафолатли ҳамда пуллик ремонт қилинади. Харид қилинган маҳсулотларни харидор хоҳишига биноан уйларига элтиб берилади.

Дўконимиздаги барча маҳсулотлар биржа ёхуд савдо уйлари орқали эмас, балки бевосита ишлаб чиқариш корхоналаридан олиб келинади. Шу сабабли ҳам уларнинг нархи баъзи савдо шахобчаларидагига нисбатан арзон.

ДЎКОНИМИЗГА МАРҲАМАТ

Иш соатларимиз: соат 9.00 дан 18.00 гача, танаффус соат 13.00 дан 14.00 гача, дам олиш куни — якшанба.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 10-уй. Метронинг «Ойбек» бекати.

Октябрь бозори, метронинг «Чор-су» бекати.

Жамғарма банки

ОМАД

ЁР БЎЛСИН

Мустақил Ўзбекистон 30 июлда Самарқанд шаҳрида республиканинг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёмининг биринчи тиражини ўтказади.

ЗАЕМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!

250000 сўмлик бош ютуқ сизга насиб этиши мумкин. Заём облигациялари Жамғарма банки, Агросаноат банки, Ўзбекистон саноат қурилиши банки муассасаларида эркин сотилмоқда ва сотиб олинмоқда.

12 фоизли заём облигациясини сотиб олиш билан Сиз республика мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Сизни республика заёмининг биринчи тиражига бағишлаб Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган байрам тантаналарида иштирок этишга таклиф қиламиз.

Жамғарма банки Республика бошқармаси

РАЪНОХОН ОПА ДАВОЛАЙДИ

У шунчаки табибмас, у дуои жонингиз, у дуои хайрингиз, у худога ёлвориб, унга илтижо қилиб, қуръони каримдан жонбахш суралар ўқиб сизга яхшилик тилаб дардингизга дармон излайди. Умрингизни узайтмоқчи бўлади. Қисқаси у жамики касаллик — юрак, буйрак, бефарзандлик, ошқозон, кўз, қулоқ жинсий заифликларни дуонинг сеҳри билан сизнинг вужудингиздан чиққан нурга — биотокка таъсир ўтказиб бор йўғи 10 кундагина даволайди. Сўнг унинг тасбиҳларидай ўз ўқи атрофида айланиб турган дунё кўзингизга яна 18 ёшлик бўлиб кўринаверади.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, Уйғур кўчаси 583 уй. Телефон: 47-88-45. (53, 79, 152, 163, 171, 184, 189-автобусларнинг «Тақачи» бекати.).

ИШОНЧ Барака

Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси ҳаётидан

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

***ОРОЛ** денгизининг қуриши табиий шароитнинг ўзгаришига олиб келди. 3 миллион гектарга яқин ер чўлга айланди. Қуриган денгиз тубидан йилига 150 миллион тоннагача тузли чанг кўтарилиб, тузли бўронлар бўлиб турибди. Ўсимлик, қуш ва ҳайвонларнинг кўпгина турлари йўқолиб кетди. Қизилқум ва Устюртнинг шарқий қисмида ўсимлик сийраклашгани натижасида яйловларнинг табиий имконияти кескин камайди.*

СУВ ва тупроқни механизациялаш оқибатида ернинг унумдорлиги пасайиб, ҳосилдорлик камайиб кетмоқда. Шу сабабли сарфланган сувнинг 1000 м^3 га Қорақалпоғистонда Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига нисбатан ялпи маҳсулот 2,5-3,0 марта, даромад 8—10 марта кам олинади. 1991 йилнинг бошига келиб, деҳқончилик саноати мажмуи давлат ва жамоа хўжаликларида қорамоллар сони 1985 йилга нисбатан 24144 бошга ёки 15 фоизга, шу жумладан сигирлар 9881 бошга ёки 24,9 фоизга, қўй ва эчкилар 87537 бошга ёки 21,9 фоизга камайди.

Сўнгги 25 йил давомида суғориладиган ерларнинг 1 гектаридаги ҳосилдорлик 30 фоизга тушди. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигида олинадиган ялпи маҳсулот ҳажми камайишига, маҳсулот таннархининг ошишига, хўжаликлар иқтисодиётини таназзулга олиб келди.

Оролнинг қуриши оқибатида аҳоли оммавий равишда Қорақалпоғистоннинг марказий ва жанубий қисмига кўчиб ўтди. Нукус шаҳри атрофи ва бошқа шаҳарларда жўнгина уйлардан иборат тартибсиз турар жойлар пайдо бўлаяпти. Ишсизлар сони кўпаймоқда. Шу боис республика касаба уюшмаси қўмитаси Марказий қўмитаси деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси билан биргаликда ўтган йилнинг август ойида Мўйноқ шаҳрида раёсат мажлиси ўтказди. Мажлис экологик талофат оқибатлари, Оролбўйи деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари меҳнаткашларини соғломлаштириш муаммоларига бағишланди. Унда Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари касаба уюшмаси Марказий қўмиталарининг раислари, ҳамдўстлик мамлакатлари, деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Федерациясининг раиси, вилоят касаба уюшмаси қўмиталарининг раислари қатнашдилар.

Барча жамоат ва давлат ташкилотларининг экологик аҳволни соғломлаштиришга қаратилган курашини бирлаштириш мақсадида деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ва республика қўмитаси раёсатлари қуйидагича қарор қилдилар:

Касаба уюшмаси органлари томонидан қишлоқ хўжалигида заҳарли кимё моддалари, пестицидлар ва бошқа зарарли моддаларни ишлатилиши саноат иншоотларини қуриш ва ишга туширишда табиатни муҳофаза қилиш нормаларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш:

Меҳнаткашларни соғломлаштиришга маблағлар етишмаслиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасидан ижтимоий суғурта фондининг чегирмаларини 5,07 фоиздан 7,8 фоизгача кўтаришни сўраш;

Оролбўйи меҳнаткашларини соғломлаштириш учун касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси қошида бирдамлик фондини ташкил этиш ва унинг маблағларидан Оролбўйи худудида санатория ва болалар оромгоҳларини қуриш масаласини ҳал этиш;

Касаба уюшмаси вилоят ва Тошкент шаҳри қўмиталарига 1992 йил 1 ноябргача Оролбўйи меҳнаткашларининг фарзандларини республика соғломлаштириш масканлари ва оромгоҳларида соғломлаштириш бўйича қўшимча таклифлар киритиш.

Ушбу Қарорнинг бир қисми бажарилди ва бажарилмоқда.

Қарор қабул қилинганидан бир ой ўтгач, яъни 1991 йил 18—21 сентябрь кунлари Тошкентда меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган Ўрта Осиё ва Қозоғистон касаба уюшмалари Марказлари раҳбарларининг учрашуви бўлди.

Учрашув қатнашчилари Орол денгизида — экологик талофат маркази — Мўйноқ шаҳрида бўлдилар.

Оролбўйи аҳолисининг турмуш шароитларидан олган таассуротлари жуда қайғули. Минтақадаги тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами катта талофат кўрган. Ичимлик суви, озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги, саноатнинг суст ривожланиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг камайиши аҳволни янада оғирлаштирмоқда. Бунинг оқибатларини олдиндан айтиб бўлмайди. Шу сабабли аҳоли соғлиғи кескин ёмонлашди, болалар ва аёллар ўртасида ўлим ҳоллари кўпайди. Шундай мушкул шароитда Қорақалпоғистоннинг ўзида 1,5 миллиондан ортиқ одам яшайди. Сўнгги йилларда Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларига бағишланган иттифоқ ва халқаро симпозиумлар, мажлис ва конференциялар бўлиб ўтди, бир қатор давлат ҳужжатлари қабул қилинди. Буларнинг барчаси Қорақалпоғистон ва бутун Оролбўйи аҳлига катта умидлар бағишлаган эди. Лекин қабул қилинган қарорлар ғоятда сустлик билан амалга оширилаяпти.

Бозор иқтисодиёти бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларидан меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чоралар кўришни талаб қилмоқда. Сир эмаски, узоқ йиллар давомида уларга хайр-садақа сўровчилар сифатида қаралди, ҳатто меҳнаткашлардан тушган ҳақли талаблар ҳам маъмурий органларга илтимос шаклида берилди. Фақат охирги йиллардагина касаба уюшмалари қадларини ростлаб, давлат олий органларига талаблар қўя бошладилар.

Корхоналар тўла хўжалик ҳисобига ўтишлари билан айнан маъмурият ишга қабул қилувчи, мулк эгаси ёки ишлаб чиқариш воситалари эгасининг вакили сифатида чиқиши мумкин. Касаба уюшмаси қўмиталари меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб, уларни ҳимоя қилиш юзасидан қатъий талаблар қўйишга ўрганиши лозим.

Шуларни ҳисобга олиб, республика деҳқончилик тармоғи мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси касаба уюшмаси фаолларига жамоа шартномалари ва келишувларини тузишда яқиндан ёрдам бермоқда. Бозор шароитида жамоа шартномалари — бу касаба уюшмаси қўмиталарининг меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятлар асосидир. Энг аввало жамоа шартномалари иқтисодий манфаатларни ва касаба уюшмаси аъзоларининг соғлиқларини ҳимоя қилишлари, шу жумладан ишчи кучидан адолатли фойдаланишни таъминлашлари лозим.

Сўзсиз бизнинг шароитимизда қишлоқ хўжалик соҳасида ижара пудрати катта аҳамиятга эга, чунки у ҳам давлат, ҳам кооператив мулкчилик хусусиятларини сақлаган ҳолда, ишловчиларни моддий тарафдан қизиқтиради, уларни жипслаштиради.

1988 йилда Қорақалпоғистонда давлат ва жамоа хўжаликларининг 1215 звено ва бригадалари ижара пудратида ишлаган, бу уларнинг умумий миқдорининг 48 фоизини ташкил қилар эди. 1991 йилда эса уларнинг сони 2137 тага етди ва 80 фоизни (умумий сонда) ташкил қилди.

Ижара пудрати асосида ишлаган звеноларда эски услубда ишлаган меҳнат жамоаларига нисбатан иш унумдорлиги 15 фоиз ва меҳнат ҳақи 40 фоизга ошди.

Шу сабабли бизнингча қишлоқ хўжалигида давлат мулкини хусусийлаштиришда ижара пудрати орқали иш олиб борилса яхши бўлар эди.

Биз ҳаётимизда бўлиб ўтаётган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда бошланғич касаба уюшмалари қўмиталари диққат-эътиборларини социал суғурта, меҳнатни муҳофаза қилиш, дам олиш ва меҳнат қилиш режаларига риоя қилиш, олинган даромадни адолатлик билан тақсимлаш каби масалаларга жалб этяпмиз.

Аммо қишлоқ хўжалигида бўлиб ўтаётган катта ўзгаришлар ишчиларни социал жиҳатдан ҳимоя қилиш механизми билан чамбарчас боғлиқ эмас. Айниқса, бу ҳолат деҳқончилик, ижара, кооператив хўжаликларига хосдир. Уларда меҳнат учун зарурий шароитлар йўқ, индивидуал муҳофаза воситалари билан таъминланмаган, нафақа ва товон пули олишга бўлган ҳуқуқлари поймол қилинади, меҳнат жароҳати туфайли соғлиққа келтирилган зарарни қоплаш йўлга қўйилмаган.

Масалан, Қўнғирот районида жойлашган «Енбек» оилавий-деҳқончилик хўжалиги «Ильич» давлат хўжалиги билан 1992 йил 31 декабрга қадар гўшт ва сут топшириш-га шартнома тузган. Мазкур хўжаликда 25 бош қорамол ҳамда 23 та сигир мавжуд. 1990 йил 20 августда «Енбек» хўжалиги раҳбари трактор ҳайдашга гувоҳномаси бўлмай туриб, ем-хашак олиб келиш ниятида тракторни бошқаради. Бахтсиз ҳодиса туфайли трактор ғилдираклари остида қолиб ҳалок бўлади...

Республикадаги мавжуд оғир социал-иқтисодий шароитлар ижтимоий социал суғурта фондига ҳам салбий таъсир қилди. Охирги пайтларда иш ҳақи жамғармасининг ўсиши ижтимоий эҳтиёжларга ишлатиладиган харажатларга қараганда анча кам бўлаётир. Натижада ижтимоий суғурта жамғармаси тақчиллиги юзага келди. Меҳнат ҳақининг тез-тез оширилиши маълум меъёрда ишчиларни вақтинча меҳнатга яроқсизлик туфайли бериладиган нафақасини олишига қийинчилик туғдирди. Нафақаларни тўлаш ҳақидаги низомга мувофиқ касаллик даврида меҳнат ҳақи миқдори ўзгариши шу нафақа ҳисобланганда инобатга олинмайди. Ишбай ойлик маоши оладиган ишчи ва хизматчиларга вақтинча меҳнатга яроқсиз бўлганлиги учун тўланадиган нафақа охирги 2 ой миқдоридан ҳисобланади. Бу меҳнаткашлардан шикоят, аризалар тушишига сабаб бўлмоқда.

Шундай шикоятлардан бири Чимбой ёғ-мой заводида электрик бўлиб ишлаётган Жумабой Казахбаевга тегишли. У 1991 йилнинг 7 декабридан 1992 йил 30 апрелига қадар касаллик варақасида бўлган. Нафақа ҳисобланганда эса, 1991 йилдан мавжуд таъриф ставкалардан фойдаланилган, ойлик маошлар Ўзбекистон бўйича оширилганлиги инобатга олинмаган.

1991 йил ҳисобидан нафақа олаётган колхозчилар аҳволи бундан ҳам ёмон. Суғурта бадаллари деҳқонларнинг ҳамма тўловлари ва мукофотларидан олинишига қарамай, ўлик мавсум даврида деҳқонларга касаллик варақаси бўйича нафақа тўланмайди.

Бунинг оқибатида ҳар бир 100 қишлоқ хўжалик меҳнаткашига 632,6 кун меҳнатга қобилиятсизлик кунлари тўғри келади, ваҳоланки қурувчиларда бу кўрсаткич 1207 кунга тенг, алоқа ходимларида 882 кун.

Хулоса қилиб айтганда, республикамиз деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси юқорида таъкидланган камчиликларга муросасиз бўлаётирлар, айни пайтда жойлардаги касаба уюшмалари аҳволни тезкорлик билан ҳал қилишда тегишли мутасадди ташкилотлардан талаб қилишлари лозим деб ўйлайман. Токи халққа хизмат қилиш умумий ишимиз бўлиб қолсин.

П. ҚУРБОНОВ,
Қорақалпоғистон республикаси деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.

ИЗЧИЛ ФАОЛИЯТ

***ШАҲРИМИЗ** касаба уюшмаси қўмитаси бўйича ҳар йили «Аралводстрой» махсус қурилиш бирлашмаси, «Аралсельхозводопровод» ишлаб чиқариш қурилиш бирлашмаси, «ҚҚРемвод» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Хлебопродукт» худудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлинмалари билан 60дан зиёд жамоа шартномалари тузилади. Шуниси қувончлики, уларнинг аксарияти тўлиқ бажарилмоқда. Лекин, айрим раҳбарлар ва касаба уюшмаси қўмиталари жамоа шартномаларига расмиятчилик билан қараб, уларни йилдан-йилга бир мазмунда кўчириб қўйишаётганини таъкидлаб ўтмай иложимиз йўқ.*

1989 йилги жамоа шартномаси тадбирларининг бажарилиши ва уларни 1990 йилга тузиш масаласига бағишланган раёсат мажлисида шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси «ҚҚагрокоммунремонт» таъмирлаш эксплуатация бошкармасининг раҳбари Ю. С. Боровикка ишончсизлик билдирди. Мазкур корхонада давлат режаси бажарилмай келаяпти, кадрлар қўнимсизлиги 100 фоизга етди. Ҳатто ишчилар учун оддий шароитлар ҳам яратилмаган. Баъзан улар 3 ойлаб иш ҳақларини ололмай юрадилар. Бу ўз навбатида корхона жамоаси ўртасида норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлди.

Ю. С. Боровик кўп ўйлаб ўтирмай айбдор эмаслиги ва аввалги лавозимига тиклашни сўраб юқори ташкилотларга шикоят билан чиқди...

Меҳнат техника ва ҳуқуқ инспектори штатлари ажратилиши туфайли шаҳар касаба уюшмаси қўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича фаолияти анча яхшиланди.

Ҳар йили шаҳар касаба уюшмаси қўмитасига оғзаки равишда ўртача 678 ва ёзма равишда 180 нафар киши ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилади. Меҳнаткашларни ноқонуний ишдан бўшатиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини тиклашдаги сансалорликлар ва раҳбарлар томонидан меҳнаткашларнинг аризаларига расмиятчилик билан қараш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Мисол тариқасида «Узсельхозхимия» автотранспорт корхонасини олайлик. Унинг директори Менлибоев республика меҳнат мажмуасига хилоф равишда қисқартиш йўли билан 5—6 фарзанди бўлган учта аёлни ишдан бўшатган. Касаба уюшмаси қўмитаси аралашганидан сўнггина улар ишга тикланиб, мажбурий прогул вақти учун бадал тўланди. Т. Жумагулиевани ишга тиклаш масаласини халқ суди ҳал қилди.

Айнан шундай мисол: Нукус бройлер фабрикасининг собиқ директори Г. Пренов касаба уюшмаси қўмитасининг розилигисиз 12 кишидан иборат бутун бир бригадани қисқартирди. Шаҳар касаба уюшмасининг ёрдами билан 5 ишчи қайта тикланди, қолганлари эса шу корхонанинг ўзида бошқа ўринларни эгалладилар.

Касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири меҳнаткашларга хавфсиз иш шароитларини яратиб беришдир. Бу соҳадаги ишлар ҳам анча яхшиланди.

Ҳозирги кунда шаҳар қўмитаси ўз таркибида 1560 аъзоси бўлган 137 бошланғич ташкилотни, 250 цех қўмитаси ва 420 касаба уюшмасини бирлаштиради.

Нукус шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси ҳар йили қўмита раёсатининг мажлисида иш режалари ва амалга ошириладиган тадбирлар белгилайди. Ҳозирда касаба уюшмаси қўмитаси Ўзбекистонимиз мустақиллигининг бир йиллиги арафасида ўз аъзоларининг хоҳишларини инобатга олган ҳолда изчил фаолият кўрсатиб келаётир.

М. ТАДЖЕТДИНОВ,
Деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Нукус шаҳри қўмитасининг раиси.

ОДАМЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИ ДЕБ...

Деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Хўжайли район қўмитаси бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг меҳнаткашларч ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятларини тубдан ўзгартиришга йўналтирилган ишларни олиб бормоқда.

Район касаба уюшмаси қўмитаси 67 бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини бирлаштирган. Улардан 21876 касаба уюшмаси аъзосидан иборат 191 цех қўмиталари, 238 касаба уюшмаси гуруҳлари ташкил этилган.

Меҳнаткашларни қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича район касаба уюшмаси қўмитаси ўз амалий фаолиятларини бошланғич ва цех касаба уюшмаси ташкилотларининг аҳамияти ва ҳуқуқларини оширишга қаратилган, илғор иш усулларини қўллашдан бошладилар. Касаба уюшмаларининг ҳимоя функцияларини амалга оширишда республика деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг район қўмиталарини қайта тайёрланган кадрлар билан таъминлаш бўйича ишлари ижобий натижалар бермоқда.

Сўнгги икки йил давомида район касаба уюшмаси қўмитасига қўшимча равишда ҳуқуқ ва меҳнат техника инспекторлари ажратилди. Меҳнат тортишувларини ҳал этишда касаба уюшмаларининг ваколатлари ва талаблари ошди. Агар 1989 йили район касаба уюшмаси қўмитасига 46 хат ва аризалар тушган бўлса, 1991 йилда уларнинг сони фақат 13 донани ташкил этди.

Ҳозирги бозор муносабатларига ўтилаётган шароитда касаба уюшмалари фаолиятида жамоа шартномалари ва меҳнат келишувларини тузиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳимоя функцияларини амалга ошириш жараёнида касаба уюшмаси қўмиталари зарур меҳнат шароитларини яратишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Кейинги пайтларда Тахиатош дон маҳсулотлари комбинатида ишчиларнинг меҳнат муҳофазасига, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга катта эътибор беріляпти. Шунингдек, комбинат касаба уюшмаси қўмитаси жамоа шартномаларини бажариш якунларини назорат қилиб боришаётир. Бу ерда техника хавфсизлиги учун 64,2 минг сўм ажратилди. Ишчилар ошхонаси, ҳаммом-сауна, аёллар учун шахсий гигиена, дам олиш хоналари мунтазам ишлаб турибди. Соғломлаштириш — спорт комплекси қурилган.

Жамоа шартномасида айрим тоифадаги ишчи ва хизматчилар учун меҳнат ва ижтимоий-маиший имтиёзлар кўзда тутилган. Масалан, хизматлари эвазига ҳақли равишда меҳнат нафақасига кузатиш тантанали кечалари ўтказилади ва шу корхонада ишлаган вақтига қараб 500, 1000, 1500 сўм миқдорида пул берилади.

Кўп болали оналар нафақаларига ойига қўшимча пул тўланади. Шунингдек, кўп болали оналар соғлиқни тиклаш оромгоҳлари йўлланмаларига тўланадиган ҳақдан озод қилинадилар.

Касаба уюшмаси қўмиталарининг бундай ижобий ишлари бир талай. Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишда Тахиатош уй қуриш комбинати, Хўжайли гўшт комбинати, пахта заводи, қатор жамоа хўжаликлари, «Тошкент» ва «Хатеп» давлат хўжаликлари маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмиталарининг ўзаро ҳамкорликда олиб бораётган ишлари ҳам эътибога сазовордир.

Даволаш — соғломлаштириш тадбирларини янада яхшилаш, санаторий-курортларга йўлланмалар билан таъминлаш ишларига 1991 йилнинг ўзида ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 362 нафар кишига йўлланма ажратилди. Бундан ташқари 350 дан ортиқ киши корхона, жамоа ва давлат хўжаликлари маблағлари ҳисобига санаторий-профилакторийларда ўз соғлиқларини тикладилар. 1200 нафар ўқувчи оромгоҳларимизда дам олдилар, 180 бола республикадан ташқари жойларда дам олишга юборилди.

Ҳозирда Луначарский, Чинобод, Чимён, Чорток санаторийлари йўлланмаларига талаб ошган. Республикадаги экологик муҳитни ҳисобга олиш билан юқорида қайд этилган санаторийларга қўшимча йўлланмаларни ... иш ҳам кўзда тутилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Район касаба уюшмаси қўмитаси бундан кейин ҳам ўз куч-ғайратини, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сусайтирмайди.

Б. НУРПЕЙСОВ,
район касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.

ДАСТЛАБКИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

ЭЛЛИКҚАЛЪА районидаги Алишер Навоий номли совхоз қишлоқ хўжалиги ижара корхонасига айлантирилди. Корхона кенгаши дастлабки ишни штатлар рўйхатини муҳокама қилишдан бошлади. Совхозда мутахассислар ва машина-трактор парки ходимлари маошини 50 фоизга ошириш учун жаъми 28 кишини қисқартиришга тўғри келди.

Аммо штатлар қисқаргани билан 28 нафар киши ишсиз қолмади. Уларга 200 гектар ер ижарага берилди. Ижара корхонасига бошқарув ва иқтисодий фаолиятда мустақиллик берилганлиги туфайли ана шундай дадил қадам қўйилди.

Райондаги яна 4 та —«Пахтакор», «Тупроққалъа», «Қирққиз», ва «Бўстон» хўжаликлари ҳам қишлоқ хўжалик ижара корхонасига айлантирилди.

И. АБДУРАҲМОНОВ.



Орол бўйи болалари...

ЧАРХНИНГ ЧИҒИРИҚЛАРИ

ҲОЗИРГИ мураккаб шароит барчани обдон чархнинг чиғириғидан ўтказмоқда. Табиийки, шундай шароитда тадбиркорлик билан иш юритмаганлар ютқазади,— дейди Элликқалъа районидаги «Москва» совхози директори Сафарбой Рейимов.— Мени бир нарса ташвишлантирмоқда: қандай қилганда давр билан ҳамнафас, ҳамқадам бўламиз. Шунда, биринчидан хомашёмизни ўзимиз қайта ишлашимиз лозим деган тўхтамга келаман. Мана, беш йилки шу йўналишда амалий иш олиб бормоқдамиз. Мутахассисларимиз ишбилармонликни ўрнига қўйиш учун астойдил интилишмоқда. Мана, дастлабки натижалар: районда биринчи бўлиб сут қабул қилиш ва қайта ишлаш маркази фойдаланишга топширилди. Ҳозир 13 та колхоз ва совхозлардан келтирилаётган 4,5-5 тонна сут қайта ишланмоқда. Қаймоқ ва қатиқ ишлаб чиқариб, меҳнаткашлар дастурхонига тарқатилмоқда.

Қовун қоқи тайёрлаш, мева қуритиш цехи ишлаб турибди.

Уч миллион шартли банка консерва ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод, минг тонна мева, сабзавот сақланадиган омбор яқинда ишга туширилади. 70 гектар майдондаги буғдойдан мўл ҳосил олинди. Ҳозир омборларимизда 3130 тонна сара дон ғамлаб қўйилди. Келаси йил ғаллазорларни янада кенгайтиришни режалаштириб, 150 тонна қувватга эга бўлган элеватор қуриб олдик.

Шунингдек, буғдой, шоли тегирмонларимиз ишлаб турибди. Меҳнаткашларни ун ва дон билан тўла таъминлаяпмиз.

Куни кеча яна бир фойдали шартнома туздик. Москвадаги «Россия-Испания» қўшма корхонасидан нонвойхона ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган анжомлар олишга келишдик.

Яқинда совхоздаги эски меҳмонхона биносини таъмирлаб гилам тўқиш цехини ишга туширдик. Бу шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи иккинчи цех. Ана шу кичик корхоналар йилига 3 минг метр гилам тўқиб чиқаради. Бир ҳозирча хомашёни Нукусдан оляпмиз. Яна бир ойдан кейин уларни хомашё билан ўзимиз таъминлаймиз. 500 бош қўй-қўзимиз бор. Жунли ипга бўлган талаб тўла қондирилади.

Ҳозир кафе, чойхона, этикдўзлик, телеателье, ғишт, оҳак, сим тўр тўқийдиган цехлар мунтазам ишлаб турибди. Уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 50 фоизи совхоз аҳолисига арзон баҳоларда сотилади.

— Совхоз район марказига яқин. Ишсизликнинг олдини олиш бўйича анча ишлар бажарилибди-да!

— Шундай. Аммо мақсадимиз катта. Ишга тушуриладиган кичик корхоналаримизда тағин салкам минг ишчи ўрни вужудга келтирилади.

— Кўпроқ қуриш учун, айниқса ҳозирги қийин шароитда хўжаликнинг бели бақувват бўлиши керак. Хазинангизнинг ҳозирги аҳволи қай даражада!

— Маблағингиз бўлмаса, бировдан бирор нарса ундиришни ўйлашнинг ўзи хом хаёл. Шукур, даромадимиз яхши. Ўтган йили 3 минг 65 тонна пахта сотдик. Ишга яроқли ҳар бир меҳнатчи ҳисобига 3 тоннадан тўғри келди.

Пахтачиликнинг ўзидан 9 миллион сўм даромад олдик. Президентимиз Фармонига кўра ўзимизга қолган 100 тонна толамизни 13 миллион сўмга сотдик.

Ҳозирда хўжаликни нормал юргизиш учун 55—60 миллион сўм маблағ талаб қилинади. Бу йил 70 миллионни кўзлаяпмиз. Пахтанинг харид нархи ошди, давлат буюртмаси 25 фоизга камайди. Лекин ҳали ҳам деҳқон меҳнати тўла қадрланаётгани йўқ. Тўғри, шароит оғир. Республикамизнинг тезроқ қийин шароитдан чиқиб кетиши бизнинг иш натижаларимизга ҳам боғлиқ, албатта.

— Шароит маҳсулот етиштириш миқдорини кескин кўпайтиришни тақозо этмоқда. Бу борадаги келгуси режаларингиз!

— Биз янги ерлар ўзлаштиришни давом эттираяпмиз. Келаси йил экин майдонларини ҳозирги 2100 гектар ўрнига 2600 гектарга етказамиз. 30 гектар боғимиз бор. Бу йил яна 40 гектарга кўчат ўтқаздик. Жамоа чорвасининг ҳам, фермер хўжаликларнинг ҳам кескин ривожланиши учун имкониятлар бор. Ижарачилар сони 200 нафарга, фермерлар 12 кишига етди. Демак, келаси йилдан маҳсулот етиштиришни 1,5—1,7 марта кўпайтириш имкони бор.

Лекин, биз деҳқонларнинг нияти — бу пахтамизни лоақал, қайта ишловини ўзимиз амалга оширсак деймиз. Дейлик, «Табани» фирмасидагидек кичик корхонага эга бўлсак. Ўз қўлинг, ўз ёғинг... деганларидек, сифатдан ҳам даромаддан ҳам ютар эдик.

— Ҳозир қаерга борманг, юқори баҳолар ҳақида баҳслар авжида. Бу ҳолга ҳам кўникиб қолдик шекилли.

— Иложи йўқ, кўникаяпмиз. Аммо, қанча қиммат бўлса ҳам зарур нарсаларни борганимизда иложи борича топиб олиб келсак, шунга шукр қиламиз.

Масалан, ёнилғи, савдо, дон маҳсулотлари базалари Тўрткўл районида жойлашган. Уч районга хизмат қилади. Табиийки, ана шу муҳим материаллар билан ўша маҳаллий хўжаликлар таъминланади. Бошқа район вакиллари эса 80—100 километр йўл босиб, автомашиналари қуруқ қайтиб келишади. Шу боис — пишиб етилган масала — нефтьбаза, савдо ва дон маҳсулотлари базасини ҳар бир район тасарруфига беришни тезроқ ҳал этиш лозим, деб ўйлайман.

Шу кунларда темирнинг кўнаси ҳам анқонинг уруғи. Қаловини топиб, иккита эскисидан битта яроқли техника ёки механизм чиқараяпмиз. Район таъмирлаш — таъминот ишлаб чиқариш бошқармаси устахонасига-ку асло яқинлашиб бўлмайди. Таъмирлашга, техника-ю тайёр қисмларига ҳам 60 фоиз қўшимчаси бор.

Техникаларни ўзимиз ремонт қилаяпмиз. Ана шунинг ўзидангина 150 минг сўм фойда қилдик.

— Ҳар қандай ютуқ замирида инсон омилидан дуруст фойдаланиш бош масала ҳисобланади. Шундай эмасми!

— Тўғри, инсон ҳамиша диққат-эътиборда бўлиши шарт. Биз ана шу ҳаётий ақидага қатъий амал қилмоқдамиз. Ҳар йили ҳар бир оилага 200 килодан шоли, 300 килограммдан буғдой бераяпмиз. Тўй-маъракаларга эса минг сўмгача беғараз ёрдам беріляпти.

Суҳбатдош: Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,
Элликқалъа райони.

Ғарқ пишиқчилик палласи ҳозир. Чиноз районидаги «Олмазор» давлат хўжалиги боғларида етиштирилган ширин-шакар мевалар шаҳарликларга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Суратда: давлат хўжалиги директори Йўлдошбой Тожибоев билан пудратчи боғбон Мурожон Содиқов шаҳарликлар дастурхонига жўнатиладиган олмаларни кўздан кечиришмоқда.

Суратчи: Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

ЯХШИ КУНЛАР УМИДИ

САЛИМА хола ўттиз беш йил бўлибдики, биринчилар қаторида ипак қурти олиб боқишга ошиқади. Жорий йилда ҳам икки қути олди. Тўғри, пилланинг харид нархи бошқа соҳаларникига нисбатан яхшироқ ҳар тугул, рўзғорнинг бир жиҳатини кўтариши мумкин.

— Насиб бўлса, шу йилги ҳосилнинг пулига Ўктамжонни уйлантираман, — дейди Салима хола кулимсираб. Ҳадемай Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат билимгоҳини битириб келади. Бўлажак иқтисодчи.

Салима Боқиева ўн нафар фарзанднинг онаси. Бари онага қарашади. Шунинг учун бу оила белгиланган режани ошириб бажаради доим. Аммо оилага бирон марта на нишон, на енгил автомашина берилди. Бунинг устига олаётган меҳнат ҳақи ҳам кўнгилдагидай эмас. Шунга қарамай нолишмайди улар. Салима хола ҳам шуларнинг бири...

Дарҳақиқат, ипак қурти боқувчиларга осон тутиб бўлмайди. На кечаси ороми бор, на кундузи. Уни парваришлаш ҳар кимсанинг қўлидан келавермайди. Аксарият пиллачи аёллар турмуш ўртоқларининг, болаларининг меҳнатига суянишади. Бироқ, буни кўпчилик раҳбарлар тўғри тушунишса кошки. Ипак қуртини мажбурий равишда тарқатишга одатланиб қолганлар.

Салима хола истиқомат қиладиган Панжи қишлоғида юз берган қизиқ бир воқеа эсимга тушди. Шу қишлоқ ҳудудидаги Ҳамид Олимжон номли 30-ўрта мактабда ўқиб юрган кезларим. Қўшни Қорабулоқ қишлоғидан келиб таҳсил кўрардик. Синфга кирсам, қий-чув гап: «Ипак қурти боқишдан бош тортгани учун Ҳасаннинг онасини милиция олиб кетибди. Қамаб қўйганмиш». Ҳасан билан Фотима (иккаласи эгизак, бир синфда ўқирдик) бугун дарсга келмабди. Ҳасан Фотима пишириб берган овқатни милицияхонада ётган онасига олиб кетганмиш.

Ҳа, қурт тутарлар ҳаётида ана шундай кўргиликлар кўп. Гапириб берсанг биров ишонади, биров йўқ.

Салима хола билан бу воқеаларни эслар эканмиз, кулишни ҳам, ачинишни ҳам билмай қоламиз баъзан!

— Ўша йиллар пиллачилар учун жуда оғир келувди. — дейди Салима хола. — Аниқ айтолмайман-у, об-ҳаво ноқулайлигиданми, барг етишмовчилиги рўй бердими, ишқилиб кўп мушкулот чеккандик. Адолат опамиз мажбур қилишлар таъзйиқидан чўчиб, айтганларига кўнганмиди, билмадим, ҳоли нелар кечган эди боякишнинг. Чунки баргни қўшни вилоятлардан ҳатто Самарқанддан, Сурхондарёдан минг машаққат билан ташиб келардикда. Тўғри, — деб давом этади Салима хола, — ишнинг осони бўлмайди. Бироқ, пиллачиликнинг ўзига хос кўп машаққати бор.

Ҳақ гап, пиллачилик ҳам ҳақиқий санъат. Лекин уларнинг ишини енгиллаштиришга боғлиқ кўп муаммолар бор. Булар нималардан иборатлигига қизиқиб, савол бераман онага.

— Муаммолар кўп, — деб жавоб қилади она, — аслида уларни ҳал қилиш унчалик қийин эмас. Ўзингиз биласиз, ҳар йили ўзимиз турган иккита — учта уйни бўшатамиз, иккиталаб оғил зарур бўлади. Печка ўрнатиш керак, сўри кўтариш. Буларнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун ипак қурти боқадиган оилага арзон баҳода ёғоч, тахта, кўмир тарқатилса, махсус ипак қурти боқиладиган пиллахоналар қуриб берилса, ишларимиз бир мунча енгил кўчарди. Эшитишимча, бир килограмм пилла жаҳон бозорида 150—200 сўм атрофида турар экан. Қанийди, бизда пиллачиларга ҳар килосига ҳеч бўлмаганда 70—80 сўм атрофида тўланса. Яна бир муаммо шуки, барг ташиш анча мушкул иш. Шунга аравачалар тиркалган трактор ёки машиналар ажратилса, иш унумига анча-мунча барака кирарди.

— Қишлоғингизда сизга ўхшаган тажрибали пиллачилар кўпми?

— Кўп. Рисолат Очилова, Ашурой Кенжаева, Дилбар Боева, Мукаррам Содиқова, Тожиой Мўминовалар бу соҳада анча тажриба орттиришган. Етиштирган пиллалари ҳам сифатли, ҳам мўл бўлади.

Салима хола билан суҳбатлашиб ўтириб, қуртчиларнинг яқингача ҳам давом этган қисматларини эслайман. Аёллар қурт тутишдан ташқари дала иши билан банд бўларди. Ғўзани яганалашдан тортиб, ҳосилни териб олгунга қадар дала кезишади. Бу ёқда қуртларнинг ғами. Булар етмагандай қуртлар энди даҳага кирган маҳал даладан барг келтириб беришади. Барглар эса далага сепилган дорилардан заҳарланган. Уни еган қурт борки ўла бошлайди. Йиғламоқдан бери бўласан. Бунинг устига қишлоқ жойда нима кўп-тўй, марака. Марака ўтказиладиган айвонлар, келин тушириладиган бирдан-бир хоналаргача сўрилар эгаллаган. Бошингни қаёққа уришни билмай қоласан. Мактаб болаларига ҳам осон бўлмайди. Дарсларни нуқул заҳ сўрилар тагида тайёрлашади, шу ерда ухлашади.

Мол-жонга қарашга ҳам вақт йўқ. Қишлоқ жойда яшаб, сут-қатиққа муҳтожликларини эшитиб ёқа ушлайсан. Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув. Шу аҳволда ўртача олти-саккизтадан бола-чақали оилалар қандай кун кечиришини тасаввур қилиб кўринг.

Албатта булар кечаги кунлар манзараси. Лекин бугунги кунлар ҳам ундан яхши бўлаётгани йўқ-ку, деб ўйлаб қоласиз яна. Инсон ҳар нарсага чидар экан. Майли, деймиз яна. Бу кунлар ўтиб кетар, деб эртанги кунга умид боғлаймиз. Иложимиз қанча. Фақат менинг истагим Салима хола, Ашурой опа, Дилбару Мукаррам ва Рисолату Тожиой холаларга ўхшаганлар бор бўлишсин. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Энг муҳими, шу кўрмаган кунларни фарзандлари, набиралари кўрсин. Ҳа, шундай. Яхши ниятлар ижобат топақолсин.

Азамат СУЮНОВ.

ЯҚИНДА Фарғонада бўлиб ўтган республика деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси кўчма раёсати ва семинарининг мазмун-моҳияти қишлоқ меҳнаткашларининг саломатлигини тиклаш ва дам олишини таъминлаш хусусида бўлди. Бу йиғинга Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикаларидан ҳам вакиллар келди. Вилоятлар ва районларнинг деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмалари қўмиталари раислари иштирок этдилар. Улар беш кун давомидаги бу хайрли сафарда Фарғона ва Андижон вилоятларининг йигирмага яқин дам олиш оромгоҳларида, санаторий профилакторийларида бўлдилар. Ютуқлар ва камчиликлар, ўткир муаммолар ҳақида фикр алмашдилар. Якуний мажлисда таассуротларини айтдилар.

ОҒРИҚЛИ НУҚТАЛАР... ИЗЛАНАЁТГАН МАЛҲАМЛАР...

Биз қайта қуриш бошланиб, мустақиллик қўлга киргандан буён юртимизнияг оғриқли нуқталарини кўра бошладик. Нообод масканлар, хароб яшаётган кишиларимиз ҳақида куйиниб айтдик. Шунда кўз ўнгимизда лойу чанг қишлоқлару кетмон елкалаган ма'юс деҳқонлар турди. Биз аччиқ, лекин самарасиз захматлар ҳақида сўзладик. Яна сўзимизга қишлоқ ва унинг заҳматкаш кишилари шарҳ бўлди. Ўзбекистоннинг 80 фоиз аҳолиси қишлоқларда яшайди. Малҳамнинг энг ўткири шу жойларга даркор эканини англадик. Ўзбекистон касаба уюшмалари қўмиталарига эл кўз тутиб тургани энди баралла сезилаяпти.

Зубеир ЖАҲОНГИР ўғли — Озарбайжон.

— Фарғоналик ҳамкасбларимиз қишлоқ меҳнаткашларининг чинакам дўсти бўла олганлар. Кейинги беш йилда жуда катта ишлар амалга ошган. Юртнинг энг сўлим, баҳаво жойларида деҳкону чорвадорга, унинг болаларига атаб 40 та санаторий-профилакторий, 40 та кашшофлар оромгоҳлари барпо этилган. Шулардан 25 таси эл назаридаги жой ҳисобланган Шоҳимардонда. Менга айниқса, Фарғонадаги ҳар бир хўжалик, ҳар бир ташкилотнинг Шоҳимардонда ўз дам олиш зонаси борлиги маъқул келди. Уч кунлик, беш кунлик саёҳатлар учун махсус транспортларга ҳам эга экан улар. Озарбайжонга кўп нарса ўрганиб, катта сабоқ билан қайтадиган бўлдим.

Фазлиддин ИБРОҲИМОВ — Наманган.

— Шоҳимардоннинг 300 зиналик зиёратгоҳига чиқилгандан кейин янаям юқорирокда Ёрдон қишлоғи бор. Гапнинг рости, бу жойга таъриф тополмайман. Нақд жаннатнинг ўзи. Фарғона райони колхозлараро кашшофлар лагерига айнан шу қишлоқ танлангани бежизмас деб ўйладим. Ахир биз узоқ вакт деҳкон ва унинг боласини фақат меҳнатга ҳамрох кўрдик. Болачаларнинг ҳатто саккиз ёшлилари ҳам далада ишлаб юрганида, «яшасин, кичик пахтакор» деб бепарво ўтдик. Уларнинг болалик шавқини, ҳаяжонини пастга урдик. Шукур, хатолар тузатиляпти. Деҳкону чорвадорнинг боласига аталган оромгоҳнинг энг баланд, энг хушҳаво жойда бунёд бўлганининг рамзий маъноси ҳам бор чамамда.

Оромгоҳлар жуда яхши. Айниқса Бешарикдаги «Ўзбекистон», «Рапқон» санаторийларидан кўнглим яйради. Лекин ёш болали оналар учун ҳам оромгоҳлар, санаторийлар куриш керак. Тан олсак, ҳозир ҳам даланинг баҳору ёздаги кетмон иши, куздаги пахта терими ҳамон аёлларда турибди. Уларга катта ҳақ тўланяпти деб бепарво бўлмайлик. Уларнинг аксарияти камқон, қувватсиз. Лекин улар шунақа феъллики касаба уюшмасига йўлланма сўраб келмайди. Шундай экан, болалари билан бирга дам олсин, соғлиғини тикласин. Биргина Бешарикда еттита санаторий бор экан. Уларнинг ҳеч бўлмаса биттасини она-болалар учун мослаштириш керак.

Анвар ДИЛОВАРХОНОВ — Сурхондарё.

— Фарғона ва Андижон вилоятларидаги ютуқлар, амалга оширилган ишлар қувончли. Лекин мен фақат дардларимни айтмоқчиман. Мана ҳозир Фазлиддин ака ўзбек деҳқони йўлланма сўраб келавермайди дедилар. Тўғри. У шунингдек бола-чақасидан, ҳовли-томорқасидан узоқларда дам олишни ҳам истамайди. Шундай экан дам олиш жойларини ҳамма ҳудудларда меъёрлаштириш керак. Республиканинг жануби ҳисобланган Сурхондарё қишлоқ меҳнаткашлари бу жиҳатдан анча ўксик. Ҳамма эътибор соя-салкин деб водийга қаратилавермаслиги керак. Бизнинг Олтинсой ва Бойсун районларимизда ҳам шифобахш сувлар топилган. Хўжайи пок ва Омонхона зиёратгоҳлари. Халқ бу сувлардан шифо топгани учун келиб чўмилиб кетади. Лекин шифокор назоратисиз, маълум шарт-шароитларсиз бўляпти бу. Биз бир неча бор бу ҳақда юқорига мурожаат қилдик. «Узколхозздравница» раҳбари ўртоқ Аминжоновани олиб бориб кўрсатдик ҳам. Лекин санаторий-профилакторий қуришга эришолмадик. Биз мурожаат қилган йилларда 4 млн. сўм билан санаторий-профилакторий қурилишини хомчўт қилиб кўргандик. У кунлар ўтиб кетди энди. Нарх-наво тубдан ўзгарди. Иш қийинлашди. Лекин бу баҳона билан бепарво бўлиш яхши эмас. Сурхондарёнинг 45—50 даражали иссиғида пахта етиштирган меҳнаткаш учун дам олиш жойлари яратиш фарз. Мен кўчма раёсатдан шуни ёрдам тарзида сўрайман.

Даврон ВОҲИДОВ — Навоий.

— Ҳақиқатан ўтган даврда бу соҳада меъёр бузилган. Мана Бешарикдаги ҳар бир жамоа хўжалигида биттадан санаторий-профилакторий бор. Қандини уришсин. Лекин Навоий вилоятида деҳқонлар учун махсус биронта ҳам бундай маскан йўқ. Бизнинг ҳам Қизилтепа, Хатирчи, Навбаҳор районларимизда яхши, хушҳаво жойларимиз бор. Фақат шифобахш сув чиққан жойдагина қуриш керак, десак адолатдан бўлмайди ахир. Биздаги тоғ-металлургия комбинати ўз ишчилари учун Тўда кўл сув омбори атрофидан яхшигина дам олиш ва даволаниш маскани қуриб олди. Бўлар эканку. Мен Чимён ва М. Топиболдиев номли Фарғона санаторий-профилакторийларидаги шарт-шароитларни, дам олаётган заҳматкаш деҳкону чорвадорларни кўриб ҳавас қилдим. Лекин навоийлик ҳамюртларимни ўйлаб анча ўкиндим. Рапқондаги «Ўзбекистон» санаторийсида шофирконлик икки хаста аёл дам оляпти экан. Улар билан гаплашаётганимизда негадир вилоят деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба-уюшмаси раиси сифатида хижолат чекдим.

Абдуллажон ХОЖИАҚБАРОВ — Бўз райони «Орзу» санаторий-профилакторийси бош шифокори.

— Одамларга шодлик улашишга нима етсин. Бизнинг 50 ўринли масканимиз қурилганига ҳали йил тўлмади. Лекин жуда кўп ҳамқишлоқларимизга шодлик улаша олди. Асосан асаб ҳасталиклари, бод қийноқларидан, турли шамоллаш касалликларидан фориғ бўляпти улар. Бизда ҳам шифобахш сув чиққан эмас. Исфаранинг «Зумрад» санаторийсидан балчиқ олиб келяпмиз. Шифобахш қумни эса Сегазақумдан келтиряпмиз. Манноп Жалолов номли давлат хўжалиги барча шароитни яратиб беряпти. Қўрада 2 та сигир, 6 та қўйимиз бор. Ҳар куни 20 литр сут оламиз. 2 гектарлик боғдаги ғарқ пишган мевалар ҳам санаториймиз дам олувчилари учун совхоздан совға.

Насиб қилса келаси йилдан 100 ўринли янги бино қурилишини бошлаймиз. Йўлланмамиз энг арзон нархда. Ҳамма жойда 3—4 минг сўм бўлса, бизда 1800 сўм холос. Лекин М. Жалолов номли совхоз ишчилари учун мутлақо бепул. Қўшни хўжаликлар деҳконлари эса бор йўғи 10 фоиз пулини тўлайдилар.

Умар бобо ЙЎЛЧИЕВ, 90 ёшли дам олувчи — Э... болам, деҳқонга, чорвадорга, умуман меҳнаткашга ғамхўрлик кўрсатиш бошланди. Шукур. Мен ҳам бод билан «Орзу»га келувдим. Ҳозир яхшиман. Меҳмонларга бир катта ашула айтиб берай. Соғ юрсанг кўшиқ ярашади, болаларим.

Бобо овоз кучайтиргич асбобларсиз кўшиқ айтиб бердилар. Бу кўшиқ меҳнаткашлар ҳақида ғамхўрлик учун бел боғлаган республика деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг хайрли сафарига, кўнгилга туккан кутлуғ режаларига табрикдек, шукронадек янгради. Мажлис катнашчилари Андижоннинг Баликчи, Жалолкудук, Избоскан районларида ҳам бўлдилар.

Замира РЎЗИЕВА,
«ИШОНЧ»нинг махсус мухбири.

«БАХМАЛ» ЯНГИЛИКЛАРИ

ХЎЖАЛИКДА 5 ТА ТЕГИРМОН

Бахмал районидаги «Бахмал» давлат хўжалиги оқ сочли тоғлар бағрида жойлашганлиги сабабли сув сероб. Шу сабабдан ҳар бир сойда сув тегирмони қуриш мумкин. Айни пайтда хўжалик ҳудудида сув билан ишлайдиган 5 та тегирмон аҳоли мушкулини осон қилиб дондунни ун ва емга айлантирмоқда.

ЯНГИ ЖУВОЗХОНА

«Бахмал» давлат хўжалигида янги жувозхона қурилиб ишга туширилди. Бир кунда 30 килограмм кунжут, зиғир ёки бошқа ўсимлик мойи ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу корхонада уч киши фаолият кўрсатмоқда.

50 ЎРИНЛИ ЧОЙХОНА

Давлат хўжалиги маркази ободонлашиб бормоқда. Бу ерда янги турар жой бинолари ва бошқа маиший бинолар қад ростламоқда.

Яқинда хўжалик марказида 50 ўринли янги чойхона қуриб битказилди. Уни маҳаллий қурувчилар бунёд этишди. Қурилиш ҳаражати давлат хўжалиги ҳисобидан бўлди.

КИЧИК КОРХОНА

«Бахмал» давлат хўжалиги марказида кичик корхона иш бошлади. Унда рўзғор учун керакли бўлган хонтахта, сандиқ, турли жавонлар ва болажонлар учун бешик тайёрланмоқда. Келажакда кичик корхона қуввати янада ошади ва аҳоли учун дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқарила бошланади.

Алибой ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофотининг совриндори.

Чорвачиликнинг ем-хашак базаси мустаҳкам бўлсагина, у ривожланади, сермаҳсул ва сердаромад соҳага айланади. Шу кунларда Сурхондарё вилоятидаги «Шеробод» давлат хўжалиги ем-хашак бригадаси аъзолари чорва моллари учун кўк ем-хашак тайёрлашга эътиборни кучайтирмоқдалар.

Суратка: И. ХЎЖАЕВ (ЎзА)

ЯНГИ БОҒ ЯРАТИЛДИ

КОСОНСОЙ районининг «Ўзбекистон» давлат хўжалигида беш гектардан мўлроқ майдонда янги боғ яратилди. Қўкаламзорлаштириш комбинатига қарашли бу боғда йиллар ўтиб, ширин-шарбат мевалар пишса, ҳамма ҳузур ҳаловат қилиб дам оладиган соя-салқин маскан бунёд бўлса, ажаб эмас.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ,
Наманган вилояти.

ТАЙЁРЛОВЧИЛАР:

Турсун Қўшаев, Камолжон Шодиметов, Босит Акбаров, Алишер Ҳакимов.

Мурод

МУРОД

Жаноблар! Жамоа ва фермер хўжалиги эгалари

Хўжалигингиз қут, барокатли бўлишини истасангиз, «Мурод» фирмасига мурожаат қилинг!

МУРОД СОИРМАСИ

— кибернетика;
— қишлоқ хўжалиги;
— тиббиёт;
— санъат;
— конуншунослик;
— мюлия соҳаларида, Республика Халқ Академияси ва бошқа олий билим масканлари мутахассислари билан ҳамкорликда хўжалигингизни даромадли ҳамда сертармоқли бўлишига кафолат ила кўмак беради.

Шунингдек, фирма ишбилармонлари:
— сабзавот ва мевалар бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш;
— хўжаликларда янги иш жойларини жорий этиш;
— жаҳон илм тажрибасига суянган ҳолда ёшларга мутахассисликлар бўйича билим бериш;
— ҳамкорликдаги корхоналар очиш;
— ишлаб чиқаришга илм-фан кашфиётларини жорий қилиш;
— қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича ўз хизматини таклиф этади.

Фирма ишбилармонлари сўз ва иш бирлиги, кафолат тариқасида иш юритишда катта ютуқларга эришган Ким Пен Хва жамоа хўжалиги тажрибасини фирма қошидаги «Ишбилармонлар кенгаши» аъзолари билан биргаликда бориб кўришни таклиф этади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент, «Правда газетаси» кўчаси, 41.
тел. 33-77-64, 32-54-36, 32-58-09

КАРАВАН

«Карвон» фирмасининг сайр-саёҳат бюроси қуйидаги йўналишлар бўйича қизиқарли саёҳатга чиқишни

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Польша (Минск орқали);
Туркия (Ашгабат орқали);
Ҳиндистон;
Финляндия (автомобиль сотиб олиш ҳуқуқи берилади);
Бельгия, Голландия (чет эл автомобили сотиб олиш ҳуқуқи берилади);
АҚШ (Майами);
ГФР;
Санкт-Петербург — Париж;
С.-Петербург — Болгария, Туркия;
С.-Петербург — Австрия;
С.-Петербург — Греция — Туркия;
С.-Петербург — ГФР (Гамбург, теплоходда);
С.-Петербург — Швеция (теплоходда);
С.-Петербург — Италия (Кот-Марино);

Шунингдек, Иссиқкўлга (Бўзтери), Боровоега йўлланмалар сотилади, Хитой чегараси яқинидаги Панфилов шаҳрига тижорат сафарлари уюштирилади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 3 уй.

Ўзбекистон Республика тижорат деҳқончилик-саноат банкининг

Тошкент

БАНКИ

МУЛҚНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН ҚОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАР

ДИҚҚАТИГА

МДҲ давлатларидаги мол етказиб берувчилар билан харидорлар ўртасидаги жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобларни жадаллаштириш мақсадида 1992 йил 1 июлдан бошлаб ҳақи тўланган талабнома-топшириқлар воситаси билан ҳисоб-китоб қилиш жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси ичида ҳисоб-китобларнинг ушбу шакли 1992 йил 1 августдан жорий этилади.

Ҳисоб-китобларнинг мазкур шаклига тааллуқли ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби билан Тошкент вилояти акционерлик тижорат деҳқончилик-саноат банки муассасаларида танишишингиз мумкин.

АВ АСТРОВАЗ

АСТРОВАЗ ФУҚАРОЛАР ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚЎШИШГА ИНТИЛЯПТИ

«АстроВАЗ» ишга муҳтож бўлган ҳамда суғурта ходими ва брокер сифатида ўз кучини синаб кўрмоқчи бўлган барча фуқароларга иш жойларини таклиф қилади.

Биз шунингдек, доимий иши бўлса-да, қўшимча пулга ишлашга муҳтож кишиларга ҳам катта ҳақ тўланадиган иш топиб берамиз.

Ўз ходимларини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги ўз бурчини бажаришга интилаётган корхоналарга биз ишсизликдан суғурта қилиш, шунингдек, тиббий суғурта қилиш имконини берамиз. Тиббий суғурта бизнинг йўлланмамиз билан республикамиздаги ва Москва шаҳридаги энг яхши шифохоналарда юқори малакали тиббий ёрдам олиш имконини беради.

1992 1 июлдан «Астроваз» ҳаёт ва соғлиқ суғуртаси учун фуқаролар ва корхоналарнинг бир галги бадаллари бўйича йиллик фойдани 25 фоизгача оширади.

Қўшимча ахборот олмоқчи бўлсангиз, қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 33-03-69; 32-04-69; 55-32-18; 68-53-30; 78-48-16.



Икки нарса ҳеч кимга, жумладан, шоҳларга ярашмайди: саллани оёққа, пайтвани бошга ўраш. Лаъл ва ёқут қўрғошин билан қопланса ҳам уларнинг баҳоси тушмайди, лекин бу ишни қилган одам шу билан ўз аҳмоқлигини ошкор қилиб қўяди.

Ишнинг муваффақиятли тугаши ёрдамчиларнинг кўплигида эмас, ишбилармонликларидадир. Баланд тоққа чиққан билан одамнинг нуфузи баланд бўлмас, балки инсон ўз бошига бир дунё бало орттиради. Ҳунар эгалари қуйи мансабда бўлсалар-да, ақлли одамлар уларга менсимаслик билан қарамасликлари керак. Ҳаром ўлган ҳайвон пайини олиб, ундан ёйни букадиган таноб ясайдилар, шоҳлар минадиган эгарларни безайдилар. Давлатманд ва донғи кетган насл-дан бўлмаганлари учун ҳунар эгаларини қуйи мансабларга тайин этмоқ, истеъдодсиз одамларга эса улуғларнинг вориси бўлгани учунгина юксак мартаба бермоқ шоҳларга ярашмайди. Шоҳ одамларни мамлакатга келтиришлари мумкин бўлган фойдаларига қараб муносиб мансабга тайин этишлари керак. Истеъдодсиз одамлар ўз аждодларининг хизматини ўзларининг бахт-саодатлари воситасига айлантирсалар кўп зарар етказадилар, ҳунар эгалари ҳалок бўлиб кетадилар. Инсон учун ўз жонидан азиз ҳеч нарса йўқдир. Лекин баданнинг бирор аъзоси оғриб қолса, уни узоқ ва ёт шаҳарлардан келтирилган дори-дармонлар билан муолижа қиладилар.

Сичқон ҳамма билан ҳамхона бўлса ҳам, унинг озори борлиги учун одамлар уларни қириб йўқотишга тиришадилар. Лочин йиртқич қуш бўлса ҳам ундан фойдаланиш умидида одамлар яхшилаб парвариш қиладилар. Шоҳлар эса қўлларига қўндирадилар.

Димна сўзини тугатди. Шоҳнинг Димнага бўлган ихлоси янада ортди, унга илтифот қилиб бир неча ширин сўз айтди. Димна шоҳ билан ёлғиз қолгандан кейин шундай деди:— Неча муддат бўлдики, шоҳ бир ерда ўтириб қолдилар, бунинг сабаби недур?

Шер ўзининг қўрқаётганини Димнадан яширмоқчи бўлди, лекин шу чоқда Шатраба тўсатдан шундай маъраб юборди, унинг овози шерни гангитиб қўйди. У ўзини боса олмай сирини Димнага очди:

— Ҳеч қаерга чиқмаслигимнинг сабаби шу сен эшитган овоздир, билмайман, у ким экан. Лекин унинг кучи ва жуссаси овозига яраша бўлса керак, деб гумон қиламан. Агар шундай бўлса, бу ердан кетиш керак.

Димна деди:— Бу овоздан бўлак шоҳни безовта қиладиган нарса йўқми?

— Йўқ,— деди шоҳ.

Димна деди:— Фақат шу сабабга кўра она юртни тарк этиб кетмоқ ножоиздир. Донишмандлар айтибдурларки, кўп гапириш ақлнинг озлигидан, ёлғон сўзлаш ироданинг заифлигидан, овознинг баландлиги ичида ҳеч нарса йўқлигидан далолат беради. Тулки билан ноғора масаласидан маълумки, ҳар бир овози йўғон, гавдаси катта паҳлавон бўла бермайди.

Шер сўради:— У қандай масал?

Масал. Дейдиларки, бир тулки ўрмон оралаб кетаётиб, бир дарахтнинг тагида ноғора ётганини кўриб қолибди. Шамол эсган сари дарахт бутоқлари ноғорага тегар ва ноғорадан даҳшатли овозлар чиқар эди. Тулки ноғоранинг овози йўғонлиги ва жуссасининг катталигига қараб ноғоранинг ёғи билан гўшти ҳам овози ва жуссасига яраша кўп бўлса керак, деб оғзининг суви келди. Кўп уриниб ноғорани ёришга му-

ваффақ бўлди. Лекин қуриган теридан бўлак ҳеч нарса топмагач: «Гавдаси йўғон ва овози баланд нарсанинг ичи бўш бўлар экан»,— деди.

Димна сўзини давом эттириб деди:

— Мен бу масални шунинг учун келтирдимки, подшоҳ йўғон овозни эшитиб безовта бўлмасинлар. Агар ижозат берсалар, мен ўша овоз келган жойга бориб ҳақиқатни билиб келай.

Бу сўзлар шерга манзур бўлди. Димна шоҳнинг рухсати билан ўрнидан сакраб турди ва йўлга тушди. У чиқиб кетгандан кейин шоҳ ўйга чўмди. Димнани жўнатганлигидан пушаймон бўлди ва ўз-ўзига деди: «Димнанинг фикрини маъқуллаб тўғри иш қилмадим, чунки подшоҳлар саройида бекордан-бекорга зулм кўрган, узоқ вақт яшаб машаққатли ҳаёт кечирган ёки давлат ва ҳурматни қўлдан берган, ёки вазифадан туширилган, ёки ўзи учун фойдали ишлардан четлатилган, ўртоқларининг афв этилганлигини, ўзининг эса маҳкум этилганлигини кўрган, ёки айни бир гуноҳ учун ўз ўртоқларидан кўра оғир жазоланган, ёки айни бир хизмат эвазига ўз ўртоқларига қараганда жуда оз мукофот олган, ёки душман билан курашиб мағлуб бўлган, ёки динида қаттиқ турмаган, ёки подшоҳнинг зиёнига бўлган ишларда ўзи учун фойда ахтарган, ёки душман томонига ўтиб кетиши мумкин бўлган бир мулозимни узоқ синамасдан туриб, душман ёнига юбориш ва уни сирдан воқиф қилиш шоҳ учун яхши эмас, асли шошмаслик керак эди.

Димна кўп нарсани биладиган ва узоқни кўрадиганлардандир. У узоқ муддат менинг даргоҳимда машаққат чекди, лекин эвазига мукофот олмади. Агар кўнглида кири бўлса, хиёнат қилади, фитна қўзғатади. Душманни мендан кучли кўрса, унга мойил бўлиб, менинг сирларимни айтиб беради».

Шоҳ бундай ўйлар ичида ҳаяжонланар, гоҳ турар, гоҳ ўтирар, гоҳ у ён-бу ёнга юрар ва кўзини Димна кетган тарафдан узмас эди.

Ногоҳ узоқдан Димна кўринди, шернинг кўнгли таскин топди ва келиб ўз ўрнига ўтирди. Димна келиши билан шер:

— Нима қилдинг?— деб сўради.

Димна деди:

— Мен ўкириб юрган ҳўкизни кўрдим. Шоҳни безовта қилган овоз ўшаники экан.

Шоҳ сўради:— У жуда кучлими?

Димна деди:— Мен унда куч-қувватдан асар кўрмадим. Унга яқинлашганимда мен билан бир дўст каби сўзлаша бошлади. Менга ҳеч нарса қилмади, назаримда, унинг табиатида куч-қудрат ва тавозекорликдан кўра кўпроқ тамагарлик устун туради. Қўрқмаганим учун уни ортиқча ҳурматлашни лозим кўрмадим.

Шер деди:— Ҳали бу унинг кучсизлигини кўрсатмайди, бу билан алданиб қолмаслик керак, чунки қудратли тўлқинлар катта дарахтларни қўпориб, мустаҳкам биноларни, қалъаларни йиқитиб юборади, лекин кичик ва нозик ўт-алафни синдиролмайди. Душман олижаноб ва лутф-карам эгаси бўлмаса, ҳеч ким унинг кучли ва шон-шуҳратли эканлигини тан олмайди, ҳар кимнинг ўз кучи ва мавқеига қараб муомала қилмоқ лозим...

Димна деди:— Шоҳ бундан ташвиш тортмасалар ҳам бўлади. Агар буюрсангиз, мен бориб уни олиб келайин, у шоҳнинг муте қулларидай бўлсин.

Шер бу сўзларни эшитиб хурсанд бўлди ва уни олиб келишни Димнага амр қилди. Димна Шатрабанинг ёнига бориб тап тортмай у билан сўзлаша бошлади:— Шер сени ўз ҳузурига олиб келиш учун мени юборди, агар ҳаялламай ҳузурига борсанг, шу пайтгача қилган гуноҳларингдан ўтишга сўз берди. Ўйлаб кўр, буйруққа бўйсунмай бу ерда қолсанг, ўша ондаёқ бориб бор гапни шерга айтиб бераман.

Шатраба деди:— Ахир у шер деганинг ким ўзи?

Димна деди:— У йиртқич ва ваҳший ҳайвонлар подшоҳидир.

Шатраба шер ва ваҳший ҳайвонлар номини эшитиб, қўрқувдан титрай бошлади. У Димнага деди:— Агар менинг саломат қолишимга кафил бўлсанг, сен билан бирга бораман.

Димна онт ичиб, соғ-омон қолишига кафил бўлишини айтди. Ҳар иккови шернинг ёнига жўнадилар. Шер ҳўкизни меҳрибонлик билан қарши олди ва унинг бу ерларга қачон ва нима учун келганлигини сўради. Ҳўкиз бошидан ўтганларни сўзлаб берди. Шатраба шу ерда қолса, шер уни ўз марҳамати ва лутф-карамидан баҳраманд этишини айтди. Ҳўкиз розилик билдириб, миннатдорчилигини изҳор этгандан сўнг шернинг хизматида қолди.

Шер Шатрабани ҳурмат қилиб, унга ҳаддан ташқари лутф ва марҳамат кўрсатди, уни ўз маҳрамлари қаторига киритди ва синовдан ўткариб ақл-идроки комил эканлигини кўргач, уни ўзига маслаҳатчи ва сирдош қилиб олди. Шер Шатрабанинг хулқ-атвори билан яқиндан танишгани сари унга бўлган меҳри ошиб борар, кундан-кунга унинг мартабасини кўтарар, борган сари кўп инъомлар берар эди. Ниҳоят, иш шу даражага етдики, ҳўкизнинг ҳурмати барча маҳрамларникидан юқори бўлиб кетди.

Димна шернинг ҳўкизга кўрсатаётган бу юксак лутф-карамини, унинг шерга яқинлигини, бошқалардан мансаби ва эътибори ортиб бораётганини кўргач, ҳасади келиб, кўзига дунё қоронғи бўлиб кетди. Димнанинг куни тунга айланди, уйқуси қочди. У бир ерда ўтириб ором ола олмайдиган бўлиб қолди. У Калиланинг ёнига келиб, шикоят қила бошлади:— Биродар, менинг ожизлигим ва хомлигимни қараки, шернинг ишини тўғрилаб, ўз ишимни расво қилиб қўйдим. Ҳўкизни шернинг ёнига бошлаб келганимдан бери унинг мартабаси ортиб бормоқда. Менинг эса даражам қуйи тушиб кетди.

Калила деди:— Зоҳиднинг бошига тушган иш сенинг ҳам бошингга тушибди-да!

Димна деди:— Унинг бошига қандай иш тушган экан?

Ҳикоят. Калила деди:— Нақл қилибдурларки, бир подшоҳ бир зоҳидга қимматбаҳо либос ҳадя қилибди. Буни кўрган бир ўғри зоҳиднинг ҳузурига келиб, хизматини қила бошлади, ундан тариқат қоида-қонунларини ўрганишга киришди. Улар дўстлашиб бир ерда яшай бошлабдилар.

Бир кечаси ўғри фурсатни ғанимат билиб, подшо ҳадя қилган либосни олиб кетди. Эртасига зоҳид либосни ҳам, янги муридни ҳам топа олмади. У либосни мурид ўғирлаб кетганини пайқаб, уни қидириб топиш учун шаҳарга кетаётган экан, йўлда иккита қўчқорнинг бир-бири билан уришиб турганларини кўриб қолди. Иккала қўчқор ҳам бир-бирларини ярадор қилган ва жароҳатларидан қон томар эди.

Бир тулки келиб томган қонларни яларди. Икки қўчқор шохларини тўғрилаб бир-бирларига ташланганларида, тулки ўртада қолиб мажақланиб кетди.

Зоҳид кечқурун шаҳарга етиб келди, тунашга жой ахтара бошлади. Ниҳоят, бузуқ бир хотиннинг уйига тушди. Бу хотин уйида бир неча қиз сақлар эди. Улардан бири ниҳоятда гўзал бўлиб, жамолига жаннатдаги ҳурлар ҳам ҳасад қилишар эди.

Хотинларни ҳаяжонга соладиган эркакларда ҳасад уйғотадиган баланд бўйли, хипча бел, ширин сўз бир йигит у қизга ошиқ бўлиб қолган эди ва бошқа эркакларнинг унга яқинлашишига йўл қўймас эди... Бу эса ҳалиги бузуқ хотиннинг қиз туфайли оладиган фойдасини камайтириб қўйди. У, ахир бир кун қиз йигит билан қочиб кетади, деб ташвишланар эди. Шунинг учун йигитни ўлдиришга қарор қилди. Хотин ўз фикрини амалга оширмоқчи бўлган кечаси зоҳид унинг уйига келиб тушган эди. Хотин ўша қиз ва йигитни жуда кўп май ичириб қаттиқ маст қилиб қўйди. Уларнинг иккаласи қаттиқ уйқуга кетганларида хотин бир қамишнинг учига заҳар солиб олиб келди. Қамишнинг бир учини йигитнинг бурнига тўғрилаб, бошқа учини эса ўз оғзига олиб заҳарни йигитнинг димоғига пуфламоқчи бўлди. Лекин шу пайт йигит тўсатдан аксириб юборди, заҳар хотиннинг оғзига кириб кетди ва шу заҳоти тил тортмай ўлди. Буни кўрган зоҳид эрта билан, қуёш уфқдан бош кўтарганда бу фисқ-фасод ўчоғидан қочиш учун бошқа жой излай бошлади. Зоҳидга бир косибнинг раҳми келиб уйига олиб келди ва хотинига зоҳидни яхшилаб кутиб олишни буюриб, ўзи бир ўртоғиникига меҳмонга кетди. Косиб хотинининг ўйнаши бор экан, бир сартарошнинг хотини эса улар орасида воситачи экан. Косибнинг хотини эри кетиши биланоқ сартарошнинг хотинини ўйнашиникига юборди, эрим зиёфатга кетди, тез етиб кел, деб айттириб юборди. Кеч кирганда ўйнаш келиб эшик олдида пойлаб турган эди, косиб меҳмондорчиликдан қайтиб келди. Аввалари ҳам шубҳаланиб юрган одамни эшик олдида кўргач косиб уйга кириб хотинини роса дўппослади ва устунга боғлаб қўйди. Ўзи эса ўрнига кириб ётди. Ярим кечада, ҳамма уйқуга кетганда сартарош хотини келиб деди:— Нима учун ўйнашингни шунчалик мунтазир қиласан? Истамасанг айт, кетсин.— Косиб хотини деди:— Ўртоқжон, агар раҳминг келаётган бўлса, мени ечиб юбор, сени ўз ўрнимга боғлаб қўяй. Дўстим билан кўришиб узр сўрай ва тезлик билан қайтиб келай. Бунинг эвазига нима десанг бераман.— Сартарошнинг хотини унинг гапига кўнди. Косиб хотини уни устунга боғлаб, ўзи ўйнаши ёнига кетди. Шу пайт косиб хотинини чақириб қолди, сартарош хотини эса, у таниб қолади, деб дамини чиқармади. Косиб яна чақирди, сартарош хотини яна овоз бермади. Косибнинг ғазаби тошиб ўрнидан турди-да, сартарош хотинининг бурнини кесиб қўлига берди: «Буни ўз ошиғингизга туҳфа қилиб юборинг»,— деди.

Бир оздан кейин косибнинг хотини қайтиб келиб, дугонасининг бурни кесилганини кўриб, хафа бўлди ва ундан узр сўради. Кейин уни ечиб юбориб, устунга ўзини боғлади. Сартарошнинг хотини бурни қўлида, уйига жўнади. Зоҳид бутун ҳодисаларни кузатар ва орадан ўтган сўзларни эшитиб ётар эди. Косибнинг хотини бир соат турди, сўнг қўлини дуога кўтариб ёлвора бошлади:— Худоё худовандо, агар эрим мени бегуноҳдан бегуноҳ бурнимни кесган бўлса, бурнимни ўрнига қўй, аввалгидай бўлиб кетай.— Бу сўзларни эшитган косиб деди:— Эй ҳарамзода жодугар, нималар деяпсан?

Косиб хотини деди:— Эй золим, сен менга жабр-ситам қилган бўлсанг, худо менга раҳм қилди, тур, унинг марҳаматини томоша қил. Мен бегуноҳ бўлганим учун худо бурнимни соғайтирди ва халойиқ ўртасида мени шарманда қилмади.

Косиб чироқни ёқиб, хотинининг ёнига келди, қараса, бурни жойида. У дарров гуноҳига иқрор бўлиб, хотинидан узр сўради. Ширин сўзлар билан бундан буён унга озор бермасликка, ярамас, оғзи шалоқ, ёлғончи одамлар бўҳтонига ишонмасликка ва ўзининг номусли, дуоси мустажоб хотинини ранжитмасликка сўз берди.

(Боши ўтган сонда. Давоми бор).

***БИРОН** жойимиз хиёл оғриса дарҳол дори ютишга ўрганиб қолганмиз. Дори оғриқни вақтинча тўхтатгани билан озми-кўпми асорати бўлади, дейишади. Яхшиси биз тўғри, сифатли овқатланишга ўргансак, шифобахш мева-чеваю сабзавот маҳсулотларини ўз вақтида танаввул қилиб борсак, ҳар ҳолда дорига камроқ ишимиз тушарди. Минг марта шукр-ки, биз тупроғи серунум, неъматларга бой ўлкада яшаймиз. Озгина ҳафсала ва яна озгина сахий бўлсак, ёз меваларидан тўйиб-тўйиб еб, болаларимизни ҳам баҳраманд қилсак — нур устига аъло нур.*

Биз «Шарқ табобати» саҳифамизда боғ-роғларимиз, экинзорларимиз кўрки бўлган мева-чева, сабзавот маҳсулотларининг шифобахш хусусиятлари ҳақида сўзлаб, топганингиз ўзингизга ош бўлсин, деймиз!

Ўрик–саломатлик ёмбиси

РИВОЯТ эмас, ҳақиқат. Аниқ маълумотларга қараганда, Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларидан бирида Хунза деган қабила яшайди. Мазкур қабила аъзоларининг асосий озуқаси ўрик ва ўрик маҳсулотлари ҳисобланади. Қизиғи шундаки, Хунза қабиласи одамлари ўртача 100 йил умр кўрар экан.

Ўтмишнинг буюк алломалари Абу Али ибн Сино, Диоскорид, Гиппократ ва яна бошқа табиби замонлар ўрикнинг шифобахш хосиятлари ҳақида маълумотлар қолдирганлар.

Ўрикнинг мевалари, мағиз ёғи, елими доривор маҳсулот сифатида ишлатилади.

Ўрик меваларида 27 фоизга қадар қанд, 15 фоизгача органик кислоталар (олма, лимон, узум кислоталари), пектин, крахмал, ошловчи моддалар, темир, мис, кальций, магний тузлари, шунингдек салмоқли миқдорда калий унсури билан бирга дармондори — витамин С, РР, каротин каби фойдали моддалар бор. Ўрик мағзи таркибида 50 фоизга қадар мой, оқсил моддалар, витамин B_{15}, гликозид амигдалин (аччиқ ўрик данагида 8,43 фоизгача) мавжуд.

Ўрик елими таркибида галактоза, глюкрон кислотаси, арабиноза, оқсил, микроэлементлар мажмуаси бўлади.

Ўрикнинг сархил меваси, шунингдек, туршаги, баргаги қадимдан меъда-ичак йўлини маромлаштирувчи, қулунж, қабзиятдан ҳоли этувчи, дармонбахш омил сифатида истеъмол этилади. Ўрикнинг туршаги, баргаги тўйимли озуқа сифатида ҳам қадрланади. Бир вақтлар узоқ сафарга отланганлар туршак (баргак), майиз ҳамда ёнғоқ мағизларини аралаштирган ҳолда махсус халтачаларда олиб юрганлар. Бундай муштарак татимли маҳсулот тановул этилганида нафақат кишини тўқ тутибгина қолмасдан, кўзнинг илғаш хусусиятини яхшилайди.

Ҳакими ҳозиқ Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» китобида ўрикнинг хосиятлари устида ҳам тўхталиб: «...Ўрик меъда учун шафтолидан кўра мувофиқроқдир... Туршак суви ташналикни қондиради... Совуқ мижозли кишилар эса ўрикни тоза асал билан ейишлари керак». Бундан ташқари Ибн Сино ўрик ва унинг елимидан ошқозон-ичак фаолиятини яхшилашда фойдаланган.

Тиб илмларининг билимдони Муҳаммад Ҳусайн ибни Муҳаммад ал-Оқилий ўзининг «Мах-да рақобот қила олади. Ўрик зан-ул-адвия» («Даволар хазинаси», 1777 йилда ёзилган) китобида ўрикнинг хосиятлари устида тўхталади.

Унинг таърифичa, сархил нисбатан туршаги (қоқиси) хосиятлари яхшироқ ҳисобланади. Ўрик тиқилмаларни очади, қаттиқ шишларни юмшатади, иссиқ мижозли кишилар учун фойдали, оғизда мавжуд бўлувчи нохуш исни йўқотади.

Ўрикдан тайёрланадиган чули (компот) сафрони ҳайдайди, ҳаяжонли қонни тинчлантиради, кекиришдан ҳоли этади. Овқатни ҳазм қилиб бўлмасдан туриб, шунингдек қийин ҳазм бўладиган овқат билан ўрик ейиш ярамайди. Ўрикни наҳорга ейиш тавсия этилмайди.

Халқ табобати амалиётида юрак оғриганда, хафақон касаллигида ўрик мағзидан чой дамлаб ичиш тавсия этилади. Ўрик мағзи бошқа доривор ўсимликлар билан бирга нафас йўлларининг яллиғланиш касалликларида, кўкйўталда тавсия этилади. Ҳомиладор, шунингдек туққан оналарга туршак, баргак истеъмол қилиш тавсия этилади. Баргакнинг табиий асал билан янчилгани кўз қувватини оширувчи омил сифатида истеъмол қилинади.

Ўрик ўз таркибида салмоқли миқдорда витамин B_{15}, С, А, каротин сақлаши, шунингдек унда фойдали микроэлементлар ва маъданий тузлар бўлганлиги туфайли камқонлик, анемия билан озорланган кишилар учун шифобахш табиий восита ҳисобланади. С. Я. Соколов ва И. П. Замотаевларнинг маълумотларига қараганда, 100 грамм ўрик 250 грамм янги жигарнинг қувватини бериб, қон ҳосил қилишда фаоллик кўрсатади. Сархил ўрик парҳез таом сифатида гипо ва авитаминоз билан оғриган болаларга тавсия этилади. Баргак, шунингдек, ўрик шарбати ҳомиладор аёлларга ҳамда юрак-қонтомир системаси касалликлари билан оғриган беморлар учун жуда фойдали ҳисобланади. Ўрик мағзидан бошқа доривор ўсимликлар билан бирга нефрит касаллигини даволашда фойдаланилади. Мағзидан олинган мой қотмаслиги сабабли ундан баъзи дориларни эритишда фойдаланилади (камфора ва бошқа).

Дарахтнинг пўстлоғидан ажраладиган елим ноёб араб елими билан шифобахшлик борасида балки ҳорғинликдан сақлайди, елими ўраб олувчи омил сифатида ҳамда мойли эмульсияларни тайёрлашда фойдаланилади.

Ўрик данагининг пўчоқларидан активлаштирилган кўмир олинади. Бир гектар ўрикзорлардан боларилар 40 килограммгача аъло навли асал йиғиши мумкин. Бундай асал ниҳоятда хушбўйлиги ҳамда шифобахшлиги билан ажралиб туради.

Дагмар Ланска ўзининг «Ўрмон ва полиздан баҳордан кузгача» китобида ёзишига қараганда, биз йилига 2,5 кг миқдорда ўрик ва ўрик маҳсулотларидан баҳраманд бўлиб туришимиз лозим. Шунда аъзои-раислар бенуқсон, саломатлигимиз жойида бўлади. Ўрик зиқнафас азобидан ҳоли бўлишга ёрдам беради, киши организмини юқумли касалликларга нисбатан бардошли бўлишини таъминлайди. Маҳсулот таркибида мавжуд бўладиган провитамин А юз терисини тиниқ бўлиб, чеҳранинг очилишига ёрдам беради.

Қуйингчи, ўрикнинг турган битгани фойдали, уни баъзан маҳаллий аҳоли «Зардорли» (тилларанг мева) деб аташлари бежиз эмас, у ҳақиқатан ҳам саломатлик ёмбиси ҳисобланади. Ҳозир ўлкамизда ўрик ғарқ пишган. Нархи қимматлигига қараманг, ўрик енг.

Наби МАЖИДОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Эркин ЖЎРАЕВ,
фармацевтика фанлари номзоди, олий даражали доришунос.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

ОНА СУТИ

Фарзандим эндигина тўрт ойлик бўлди. Сутим кам. Энди уни кўкракдан ажратиб, сунъий овқатлантиришга ўтсак бўладими, деб ёзибди ёш она. Унга жавобан қуйидаги мақолани эълон қилишни лозим топдик.

Сўнгги йилларда оналарда камқонлик, дармонсизлик ва хасталикларнинг кўпайиши, гўдакларнинг она сутига тўймай қолиши ва сифатсиз овқатлантирилиши болалар касалликларининг кўпайишига олиб келмоқда. Нега шундай бўлди? Бунга сабаб биринчидан, айрим оилалар аёлларнинг ҳали ўзларини тиклаб ололмаган пайтларида —1—1,5 йилда фарзанд кўришидир. Қолаверса, Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги, қишлоқ хўжалигида заҳарли моддаларнинг ҳаддан ташқари кўп қўлланиши, ҳомиладор ва ёш болали аёлларни дала ишларига жалб этилиши, иқтисодий таъминотдаги қашшоқлик ҳам шундай фожеага сабаб бўлмоқда. Она сути етишмаслиги, сифати бузилиши, ҳатто унинг таркибида заҳарли моддалар бўлиши оқибатида гўдакларни бир-икки ойлик чоғидаёқ қўшимча овқатлантиришга тўғри келади. Лекин сигир сути ҳам, бошқа аралашмалар ҳам она сути ўрнини босолмайди. Она сути таркибида бола ҳаёти учун зарур бўлган моддалар — оқсил, ёғлар, карбон сувлар, минерал моддалар ҳар қандай сунъий ёки сигир сутидагига нисбатан ортиқ бўлади, ҳазм бўлиши енгил.

Тиббиёт тили билан айтганда, она сутида альбуминлар, глобулинлар кўп, витаминлар, антителалар ва ферментлар сероб, энг муҳими она сути оқсиллари бола қони ва тўқималари оқсилларига яқин бўлади ва анча тез ўзлаштирилади. Шунинг учун ҳам биз. шифокорлар, болани эмизиб боқишни, яъни табиий овқатлантиришни тавсия қиламиз. Бу ҳолни ўз замонида шарқ табобатининг асосчиси Абу Али ибн Сино ҳам таъкидлаб ўтган.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор: Ҳамма оналарнинг кўкрагида етарли сут бўлмаганидек, ҳамма оналарнинг сути ҳам тоза, боланинг саломатлиги, ривожланишига фойдали бўлавермайди. Айниқса, сут орқали болага ўтиш хавфи бўлган юқумли хасталикларга чалинган оналар врачнинг тавсиясига кўра иложи борича болаларини эмизмасликлари, уларнинг сути соғилиб стерилланиши ва шундан кейингина берилиши керак. Грипп ёки ангина билан хасталанган оналар гўдакларини эмизишлари мумкин. Бироқ, улар гигиена қоидаларига қатъий амал қилиб, оғзига докадан ниқоб тутиб олишлари керак.

Ҳомиладор ва ёш болали оналарнинг спиртли ичимликлар истеъмол қилиши, папирос чекиши уларнинг сутини камайтирибгина қолмай, гўдакнинг ўсиб-улғайишига, хулқ-атворига ҳам салбий таъсир этади. Юрак-томир касалликлари ҳам ҳомиладорликдан кейин она сутини камайтириб юборади. Ҳомиладор аёл туғиш пайтида кўп қон йўқотса ҳам сути камайиб кетади.

Такрор бўлса ҳам айтайлик — она сути билан болага ўтган никотин ва спирт заққуми фақат унинг соғлиғи, ўсиши эмас, бутун умрига завол бўлади. Ёшлигидан руҳий хасталикка учраган, жисмоний ва маънавий мажруҳ болаларнинг кўпайишига баъзи оналарнинг калтабинлиги ва ўз қадр-қимматини билмасликлари сабаб бўлаяпти.

Шу билан бирга эмизикли аёл сутининг камайиб кетишига унинг сиҳат-саломатлигининг заифлиги, турмуш шароитининг ёмонлиги, тартибсиз, сифатсиз овқатланиши, дори-дармонларнинг ортиқча истеъмол қилиниши ҳам салбий таъсир этади. Шунинг учун қизларни балоғат ёшига тайёрлаш, рўзғор тутиш, ҳомиладорлик ва фарзанд кўрганда нималарга эътибор беришга ўргатиш оналар, мактаб муаллимлари, тиббиёт ходимларининг бурчи ҳисобланади. Ёшлигидан тўғри тарбия кўрган, мустақил ҳаётга тайёрланган, оналик бурчи ва шарафи ҳақида тушунчага эга бўлган қизлар кейин ҳомиладорлик ва туғиш даврида, чақалоқни боқиш ва ўстиришда қийналмайди.

Кўп ҳолларда тарбиянинг мана шу томонларига эътибор берилмайди. Қизларга ёшлигидан жисмоний ва руҳий ривожланишидаги ўзгаришлар ҳақида маслаҳатлар бериб борилмайди. Айрим қизлар, ҳатто ҳомиладор келинчаклар билмаганларини сўрашга уялишади. Бундай ёшлар илк фарзандлик бўлганда тажрибасизлиги туфайли қийинчиликларга дуч келишади. Шу боисдан балоғат ёшига етиб, турмуш қураётган қизларимизга юқорида таъкидланган нохушликдан ҳоли бўлишлари учун врач маслаҳатига биноан қон айланишини яхшилайдиган бадантарбия машқлари билан машғул бўлишлари, ҳомиладор аёллар эса ички безларни, юрак-қон-томир, буйрак хасталикларини ўз вақтида даволатишлари керак.

Энг муҳими, гўдак ўн ойлик бўлгунга қадар бир вақтда, бир меъёрда эмизиб турилиши керак. Ой куни етиб, соғлом туғилган болалар вақтида эмизилиб, мева ва сабзавот шарбатлари, қўшимча овқатлар бериб боқилса, атроф-муҳит шароити яхши бўлса, унда ижобий белгилар юз беради. Онанинг сут безларида эса сут кўпаяди, бола тартибли овқатланишга ўрганади. Агар чақалоқ онасининг сут безларидаги сутни айрим сабабларга кўра тўла-тўкис эммаса, сут ҳам кўпаймайди. Шунинг учун болага кўкракдаги сутнинг ҳаммасини бериш керак. Агар бола ҳаммасини эмолмаса, қолган сутни албатта соғиб олишни маслаҳат берамиз. Шундай қилинса, сут ҳосил бўлиши (лактация) активлашади.

Эмизикли боласи бор аёллар сут безларини ниҳоятда тоза сақлашлари, эмизишдан аввал бир неча томчи сут билан ёки қайнаб совутилган сув билан ювиб ташлаш шарт. Сут безларининг учи ёрилганда болани эмизиб Мабодо сут безлари қийилиб кетса, бўлгач, 1,5 фоизли левомицитин эмульцияси билан артиб турилади. оғриқ берса, жароҳатни шифокорлар маслаҳатига асосан даволаш лозим.

Айрим аёлларнинг сут безлари ҳомиладан бўшаганларидан 3—4 кун кейин шишиб, сутлари туриб қолади. Бундай пайтда ҳам дарҳол врачга мурожаат қилишлари шарт.

Эмизикли аёллар сути кўп ва тўйимли овқатларни истеъмол қилишлари керак. Сут ва сут маҳсулотлари, гўшт, тухум, балиқ, сабзавот ва мевалар, кўкатлар улар учун фойдалидир.

Маннон МИРЗАМУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат тиббиёт институти болалар касалликлари кафедрасининг мудири, профессор.

АТТОРНИНГ КУТИСИ

Ҳандалаҳ

БИР КУНИ Афандининг хотини кўчага чиқиб кетаётган эрига бақирибди:

— Бугун гўшт олиб келмасангиз, ўзингиз ҳам келмай қўяверинг!

Бу гап Афандига қаттиқ таъсир қилиб, у шу куни уйга қайтмабди. Хотинининг бундан роса жаҳли чиқибди. Эридан эртасига ҳам дараги бўлмабди. Орадан уч кун ўтибди. Хотинни ваҳима босибди. Айтган гапига пушаймон бўлиб йиғлаб ўтирса, тиржайиб эри кириб келаётганмиш. У югуриб бориб, эрининг бўйнига осилибди:

— Вой, дадажониси-ей, одамни шунча ҳам қўрқитасизми? Зардангиз ҳам қуриб ...э, бор бўлсин-ей? Майли, олдимда бўлинг, гўшт емасам емабман!

Энди афанди овозини кўтариб:

— Кечирасиз, мен бундан кейин бутунлай кела олмаслигимни айтиб қўйиш учун келдим... Бошқасига уйландим, унинг эри ҳам гўштга чиқиб кетиб, қайтиб келмаган экан... — деди.

* * *

АФАНДИНИНГ ўғли мактабдан йиғлаб қайтибди.

— Дада, мени ўқитувчимиз урди!

— Вой аблаҳ-ей, сени-я?!. Солмадингми тош-пош билан?

— У жуда бақувват-да!

— Ҳм...

— Ўқитувчимиз яна айтдики,— ҳиқиллаб давом этибди ўғли,— дадангга айт, менинг олдимга келсин, деди.

Бу гапни эшитиб Афандининг юрагига ғулғула тушибди, лекин сир бой бермасдан:

— Эртага ўқитувчингга айт, мен билан уришадиган бўлса, ўзи бу ёққа келсин — депти.

Абдул Азиз ОРИФ,
Фарғона.

ХЕЧ КИМ КЎРМАСИН

ЖАСУР қанчалик ҳаракат қилмасин ҳаёт тўлқинлари уни бир зарб билан етти ухлаб тушига кирмаган жойларга олиб келиб ташлади. Шунисига ҳам шукур — институтда ишлаяпти. Қасби журналист бўлгани учунми домлаларнинг ҳам, талабаларнинг ҳам унга эътиқоди баланд. Баъзан кафедра мудири Ҳошим Ҳакимович илмий ишларининг у ер бу ерини кўрсатади-да, «бадиийлаштириб юборинг», деб ҳоли-жонига қўймайди. Мана бугун уни яна йўқлабди.

У минг хаёлда эшикдан бош сукди.

— Чақиртирган экансиз.

— Келинг, келинг, кани бу ёкка ўтиринг-чи,—деди ўрнидан турганча жой кўрсатиб Ҳошим Ҳакимович.— Хўш, хонада кимлар бор?

— Зафар Мингбоевич...

— Ана ўша қилтирикни алоҳида кузатиб борасиз. Эшитдингизми? Домлалар ичида энг ярамаси у. Мен берган дафтарга ёзиб боряпсизми?

— Йўқ, домла, қўлимдан бунақа ишлар келмас экан.

— Нега? Ўйлаб гапиряпсизми?— ҳайрон бўлди Ҳошим Ҳакимович.— Биз сизни шунақа ишларни ҳам эплайди деб ишга қабул қилганмиз. Журналист! Ёзувчи!

Жасурнинг юзларига ғоят машаққатли ўқиб-ўрганишлардан сўнг эндигина ранг кира бошлаган эди. Домла бирдан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзинг, деб қолса-я!

— Кечирасиз, дафтарга қай тартибда ёзиб боришим керак?

— Айтгандим-ку. Ишга вақтида келиб-кетмаганларни ва бошқа махфий гапларни. Ҳар душанба куни дафтарни менга кўрсатиб турасиз. Аммо бу сирни ҳеч ким билмасин.

Аввалига Жасур ҳарчанд уринмасин ҳеч нарса ёзолмай юрди. Бу дафтар сира журналист ён дафтарига ўхшамасди. На чора? Айтилган куни яна қуп-қурук

бўлса ҳам дафтарни кўрсатишга мажбур бўлди. Ҳошим Ҳакимович юмшоққина уришди.

— Жуда бўшсиз-да, ишлашни ўрганинг, укам!

У иккинчи ҳафтада бел шимариб ҳақиқий ишга киришиб кетди: катта-ю кичик ҳаммани баб-баравар зимдан кузата бошлади. Одам ҳаракат қилса ҳамма ишни эпласа бўларкан. Ниҳоят, дафтарнинг биринчи саҳифаси тўлди.

17 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА, 19... ЙИЛ

Нодир Пўлатов соатбай дарелари учун олган пулидан 50 сўм бериб кетди. Ҳошим Ҳакимович чўнтагига тиқаркан:

— Тузук одамга ўхшайди,— дея жилмайди.— Келгуси йил ҳам унга дарс бермасакмикин?

Ўринбосари елка қисди.

19 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА, 19... ЙИЛ

Қафедрада бегона кишилар бор эди. Талабалардан бири 5—6 кило яхши қора Фориш майизидан олиб келган экан. Ҳошим Ҳакимович уни уришиб-уришиб чиқариб юборди. Кейин барча кетиб мен билан танҳо қолгач, бояги болани чақиртирди-да, раҳмат айтиб майизни олиб қолди.

20 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА, 19... ЙИЛ

Сиртдан ўқиётган талабалар яхши ниятлар билан сессия олдидан ош қилишган экан. Ҳошим Ҳакимович бир пара дарсни ташлаб чойхонага ошга кетди...

Одатдагидек Жасур душанба куни яна дафтарни олиб кирди. Ҳошим Ҳакимович ўз исм-шарифига кўзи тушиб аввал жилмайган киши бўлди. Кейин ҳар кандай довюрак одам қўрқадиган даражада тиржайиб:

— Дафтарни дарҳол йўқотинг,— деди.— Ҳеч ким кўрмасин.

Жасур Ҳошим Ҳакимовичга сўз бериб дафтарни йўқотган бўлса-да, энди у ҳар куни ўз ҳамхоналари ҳақида ён дафтарчасига тинмай ёзиб-чизиб борадиган бўлди.

Нурмамат АЛЛАМУРОДОВ,
Жиззах.

МУСАВВИР ТАБАССУМИ

ПЛАСТМАССА ҚАНДАЙ ҚАШФ ЭТИЛГАН?

Қадим замонда буюк грек файласуфи Фалес денгиз бўйида кичкина тиниқ сариғиш тошни ва унинг ичида пашша қотиб ётганини кўриб ҳайратдан ёқа ушлаб қолади. Қизиғи шундаки, бу тош терига ишқаланса, соч, момиқ ва майда қоғоз парчаларини тортиб олиш хусусиятига эга экан. Узоқ вақт номаълум бўлиб келган бу «пашшали тош» кейинчалик қахрабо деган ном олди ва кўп халқлар орасида, айниқса, Ўрта Осиё қабилалари орасида безак буюм — мунчоқ сифатида фойдаланиладиган бўлди. Аммо Фалес ҳам, бошқалар ҳам қахрабонинг келиб чиқишини, яъни унинг қандай қилиб пайдо бўлганини тушунтириб бериша олмади. Бу тош тўғрисида эса ўша замонларда «Ҳиндистон ажойиб қушининг қотган кўз ёши», «Тошга айланган денгиз кўпиги», «Ажойиб сирли балиқнинг тухуми» деган ҳар хил афсоналар тўқилган.

Рус олими Михаил Васильевич Ломоносовгина қахрабонинг тош эмаслигини, аслида бир тур дарахтнинг қотиб қолган елими эканлигини аниқлаб берди. Олимлар дарахт танасидан чиққан органик суюқ модда — мономернинг ҳаво ва иссиқ таъсирида полимерга — пластмассага айланишини тажрибада исботладилар.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

● Эшик орасига ўрнатилган қулф занглаб қолиб яхши айланмаётган бўлса, уни очмасдан турган жойида ёғлаб бўлади. Дастлаб машина ёғи билан калит яхшилаб ёғланади. Кейин қулфга солиниб бир неча бор уёқ-буёққа буралади, шуни ўзидаёқ буралиш анча енгил бўлганлигини сезасиз. Ёғлаганингиз узоқ вақт сақланиб турсин десангиз, юмшоқ қаламни кукун қилиб қирасиз ва қоғоздан узун найча қилиб, қулф ичига аста пуфлайсиз. Натижада графит ёғларга ёпишиб қолади ва қулфингиз узоқ вақтгача бенуқсон ишлайди.

* * *

● Занглаб узоқ вақт тегилмаган бурама мих ёки винтни бўшатмоқчи бўлсангиз, сизга қиздирилган дазмол ёрдам бериши мумкин. Бунда дазмолни бурама мих ёки винтнинг бош қисмига бироз босиб турасиз. Бундай иссиқ «муолижадан» сўнг винт осон буралади қолади.

* * *

● Яна бурама мих ва винтлар осон буралсин десангиз, уларни маҳкамлашдан олдин бураладиган қисмига графит кукуни қўшилган вазелин суриб қўйинг.

* * *

● Эгов, искана, болғалар бурама дастаси ёрилиб кетмасин десангиз, уларни алифда қайнатиб олинг.

Русчадан Н. ТУРҒУНОВ таржимаси.

ХОТИРАНГИЗ ҚАЛАЙ?

1. Бешта ҳар хил телефон рақамини эслаб қолиш сизга қийин эмасми?

2. Ишга оид учрашувни унутиб қўйган пайтингиз бўлганми?

3. Уч кун илгари нонуштада еган овқатингизни эслай оласизми?

4. Ўзингизнинг дастлабки бўса олганингизни эслай оласизми?

5. Биринчи муҳаббатингизни унута оласизми?

6. Мактабга борган дастлабки кунингизни эслай оласизми?

7. Болалик пайтингизда ёд олган шеърни ёддан айта оласизми?

8. Ўн яшарлик пайтингизда кийган бирор кийимингизни эслай оласизми?

9. Қўнғироқ қилиш олдидан одатда телефон рақамини дафтарингиздан қидирасизми?

10. Севгилингиз билан учрашганингизда қандай кийимда бўлганингизни эслайсизми?

11. Биринчи дўстингизнинг исмини эслай оласизми?

12. Баъзи ҳидлар сизга таниш жойларни эслатадими?

13. Мактабга боришда юрган йўлингизни эслай оласизми?

14. Дўстларингизнинг туғилган кунини ва юбилей кунини эсда сақлайсизми?

Энди очколарни ҳисоблаб чиқинг: ҳар бир ижобий жавоб 1 очко келтиради, ҳар бир салбий жавоб 0 га тенг. Фақат 10-саволда «йўқ» жавоби 1 очко келтиради.

11 ОЧКО ЁКИ КЎПРОҚ тўплаган бўлсангиз хотирангиз жуда яхши, жуда ишончли экан. Сиз жуда кўп нарсаларни эслаб қолишга қодирсиз.

6 ОЧКОДАН 10 ОЧКОГАЧА: хотирангиз анча яхши, кўп нарсаларни яхши эслайсиз, лекин баъзан адашасиз ва бундан уяласиз.

5 ОЧКО ВА УНДАН КАМРОҚ бўлса хотирангиз ўртача. Сиз ишга оид муҳим учрашувларни ва бировга қўнғироқ қилишни тез-тез унутиб турасиз, аммо бундай ҳолатнинг ўз афзалликлари ҳам бор: Сиз хижолат бўлсангиз тезда унутиб юборасиз.

...и жаҳонда

27 ДУШАНБА

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Петя ва Қизил Шапкача». Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Саёҳат — роҳат». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Иқтисод ва истиқлол». 20.00 «Рақс — дўстлик элчиси». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Боболардан қолган бу наво». Телефильм. 21.30 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Ярим финал. «Нефтчи» (Фарғона) — «Навбаҳор» (Наманган). Ёзиб олинган. 23.00 «Прерия». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Лахза». Хабарлар. 20.10 «Билиб қўйган яхши». 20.25 «Шаҳар юмушлари». 21.25 «Лаҳза». Хабарлар. 21.35 «Сўқмоқдаги беш киши». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

16.25 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Испаниядан олиб кўрсатилади. 17.45 «Қуёшнинг акси» Мультфильм. 17.55 «Компаньонлар». Телевизион бадиий фильм. 19.00 «Мавзу». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 Қисқа метражли бадиий фильм премьераси («Келечек» киностудияси, Қирғизистон). 21.15 «НЭП». 21.50 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари кундалиги». 22.00 Янгиликлар. 22.35 Кўрсатувлар тартиби. 22.40 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Испаниядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (01.00) — Янгиликлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 Болалар даврасида.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.55 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. «Олимпиада кундалиги». Спорт гимнастикаси. Хотин-қизлар. Сузиш. Бокс. 20.55 «Спорт-шоу». 21.00 Хабарлар. 21.20 Душанба куни детектив. «Шериклар». Бадиий фильм. 22.55 Эълонлар. 23.00 «Юрмала—92» оммавий куйлар халқаро танлови. Гала-концерт.

28 СЕШАНБА

● ЎзТВ I

18.00. Янгиликлар. 18.10 «Икки қуёнча». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Спортлото». 19.25 «Мулоҳаза». Адабий кўрсатув. 20.00 Республика ёш хонандалар танловининг совриндори Абдужаббор Латипов куйлайди. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30 «Онтарио соҳилида бўлган воқеа». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Субҳидам». 19.30 «Чашма». 20.00 «Алоқалар ва шартномалар». 20.30 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 21.40 «Оқ йўл!» 22.10 «Менинг маҳаллам».

● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 «Бўғирсоқ ҳақида эртак». Мультфильм. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.05 «Степа — денгизчи», «Эртак кетидан эртак». Мультфильмлар. 9.45 Б. Феоктистов номидаги Бутунсибирь халқ чолғулари оркестрлари ҳамда ансамбллари танлови қатнашчиларининг концерти. Красноярскдан кўрсатилади. 10.30 «Замонавийлик» рукни остида. «Қора фондда оқ ва қизил». Телефильм премьераси («Донтелефильм»). 11.00 Янгиликлар. 12.55 «Ён дафтар». 13.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 13.20 Кўрсатувлар тартиби. 13.25 «XXV ёзги олимпиада ўйинларида». 14.55 «Капитан Грантни излаб». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 16.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 16.25 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Испаниядан олиб кўрсатилади. 17.45 «Сиёсат» студияси кўрсатади: «Вилоят». 18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.00 Янгиликлар. 19.20 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.35 «Маҳфий хизматлар» Олти серияли телефильм премьераси (Франция). 1-серия. 20.30 Н. Паганини асарларидан концерт. В. Третьяков ва Давлат камер оркестри ижро этади. 20.40 «Хамелеон ўйини». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.50 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари кундалиги» 22.00 Янгиликлар. 22.40 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Испаниядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (01.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар. 7.20 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Дзюдо. Спорт гимнастикаси. Хотин-қизлар. 8.30 «Спорт-шоу». 8.35 «Фавқулодда вазият». 9.20 Эълонлар. 9.25 Ишбилармон кишилар даври. 9.55 «Калит» кўрсатуви. 10.10 Россия Конституцион суди залидан. 10.20 Кундузги сеанс. «Холва таъми». Бадиий фильм.

13.25 Бизнес. Янги номлар. 13.40 «Сигнал». 13.55 «Мансаб алифбоси». 14.10 Христианлар учун кўрсатув. 14.55 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. «Олимпиада кундалиги». Сузиш. Спорт гимнастикаси. Хотин-қизлар. 16.55 «Спорт-шоу».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 Болалар даврасида. 17.50 Туркиянинг маданий ёдгорликлари. 18.30 Ҳужжатли фильм. 19.00 Хабарлар. 19.20 «Икки хонанда». 20.00 «Қайноналар». 20.50 Манзарали фильм. 21.02 Хабарлар. 21.20 Мусобақалар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.20 «XX аср кадрда ва кадр ортида». 23.20 «Юрмала-92» оммавий куйлар халқаро танлови. Гала-концерт.

30 ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

Бугун Самарқанд шаҳрида мустақил республикамизнинг биринчи ютуқлар заёми ўйналади. Заём эгаларига омад тилаймиз!
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Катта канъон». Телефильм. 7.55 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Абдуллаева куйлайди. 8.25 «Самарқандннинг мовий гумбазлари». Телефильм. 8.50 «Заём-92». Самарқанддан репортаж. 9.00 «Тўйлар муборак». Бадиий фильм.
16.50 «Заём-92». Самарқанддан репортаж. 17.30 Мультфильмлар. 18.00 Янгиликлар. 18.05 «Салом, ёшлар!» 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Концерт. 20.00 «Заём-92». Самарқанддан репортаж. 20.10 «Самарқанд», «Ўзбекистон». Ҳужжатли фильмлар. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллигига. «Марҳабо, талантлар!» Республика вилоятлари бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Самарқанд вилояти. 22.30 «Заём-92» тиражининг якунлари. «Омад» кўрсатуви.

● ЎзТВ II

10.30 «Ёшлигим — бебошлигим». 11.00 «Ўзбекистон болалари». Республика ўқувчилар саройи бадиий ҳаваскорларининг чиқиши. 11.45 «Мингбулоқ чашмалари». Бадиий фильм. 2-серия.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Табассум». 19.00 «Шифобахш гиёҳлар». 19.40 Телефильм. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.20 «Пульс». Хабарлар. 21.30 «Атиргуллар очилганда». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 «Дастлабки учрашувлар». Мультфильм. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.50 Мультфильмлар. 10.10 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Сирли чироқ». Мультфильм. 11.40 «Телемикст». 12.25 «Ён дафтар». 12.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 13.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 13.25 «XXV ёзги олимпиада ўйинларида». 14.55 «Капитан Грантни излаб». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 16.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 16.25 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Испаниядан олиб кўрсатилади. 17.55 «Бугун ва ўша пайтларда». 18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.00 Янгиликлар. 19.20 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.35 «Маҳфий хизматлар» Олти серияли телефильм премьераси. 3-серия. 20.45 «Тунги ташриф». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.50 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари кундалиги». 22.00 Янгиликлар. 22.40 XXV ёзги олимпиадан олиб кўрсатилади. Испаниядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (01.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар. 7.20 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Велоспорт. Дзюдо. Отиш. Сузиш. 9.00 «Спорт-шоу». 9.05 Ишдан бўш пайтингизда. 9.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.50 «Ла-Манш зонасида». К. Мажейка репортажи. 10.20 «Алвидо, қурол!» 10.50 Россия Конституцион суди залидан. 11.05 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 63-серия.
13.55 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. «Олимпиада кундалиги» Баскетбол. Эркаклар. Волейбол. Хотин-қизлар. Бокс. 16.55 «Спорт-шоу».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 Ёшлар. 18.15 «Маданият ва ислом». 19.00 Хабарлар. 19.20 «Ранг ва овоз». 20.05 «Катта опа». Видеофильм. 20.50 Манзарали фильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.00 Хабарлар. Мунажжимлар башорати. 21.20 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Бокс. Сузиш. Спорт гимнастикаси. Хотин-қизлар. 23.00 Россия Конституцион суди залидан. 23.30 Эълонлар. 23.35 «Россия билан юзма-юз».

31 ЖУМА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Қувноқ шаҳарча», «Ўрмонзор бағрида». Телефильмлар. 7.55 «Қора қисқичбақа чангалида». Бадиий фильм. 9.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 9.50 «Қувноқ стартлар». 10.50 «Олий таълим: қабул ва янгиликлар».
18.00 Янгиликлар. 18.10 «Кимсасиз оролдаги Кипс исмли тасвирчи». Мультфильм. 18.30 «Элга хизмат — олий ҳиммат». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Чорраҳа». 19.50 «Навоийхонлик». Адабий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30 «Мусаввир». Раҳим Аҳмедов. 22.10 «Кино. Кино. Кино».

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

17.05 «Муаммолар ва ечимлар». 17.50 «Жонли торлар». Телефильм. 18.25 «Иқтисодиёт ва ҳаёт». 19.10 Композитор Акмурад Тагиев билан суҳбат. 20.00 Янгиликлар (рус тилида). 20.15 Туркман эстрада концерти. 20.45 Кичкинтойлар, сизлар учун! 21.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви. 21.45 Кулгу кечаси. 22.15 Таржимон Д. Бердиев — 60 ёшда. 22.45 Экранга чиққанлигининг 25 йиллигига. «Кавказ асираси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари». Бадиий фильм. 00.25 Янгиликлар.

● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Мультфильм. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.05 «Фермер-92». Кантри ва фольк куйлари халқаро фестивали. 9.55 «Мен бахтли одам эдим...» А. Д. Попов. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Бридж». 11.45 «Бизнес-класс». 12.00 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Испаниядан олиб кўрсатилади. 13.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 13.20 «Ён дафтар». 13.25 «XXV ёзги олимпиада ўйинларида». 14.55 «Капитан Грантни излаб». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 16.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 16.25 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Испаниядан олиб кўрсатилади. 18.00 «Инсон ва қонун». 18.30 «ТВ Нева: Ким биз билан?» 18.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Қора кўркам от саргузаштлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 20.45 «Тунги ташриф». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.50 «XXV ёзги олимпиада ўйинлари кундалиги». 22.00 Янгиликлар. 22.40 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Испаниядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (01.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври. 7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб» 8.05 Эълонлар. 8.10 Россия Конституцион суди залидан. 8.20 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Дзюдо. Спорт гимнастикаси. Хотин-қизлар. 10.55 «Спорт-шоу». 11.00 «Нота-бене» студияси. 11.40 «Околесица» кабареси.
[illegible].55 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Эркак «Олимпиада кундалиги».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Эркаклар. Баскетбол. 17.00 «Сезам» [illegible] «Спорт-шоу». Хабарлар. 17.45 Хал[illegible] ЕНИЕСИ 17.30 18.00 «Биз ўзимизга ўхша[illegible]ри. Видеофильм. 18.30 «Олтойлик[illegible]лар». Ҳужжатли фильм. 19.00 Хабарлар. 19.20 «Икки хонанда». 20.00 «Елғизлар». Видеофильм. 21.00 Хабарлар. 21.20 «Ҳафта сўнгида». Дам олиш кўрсатуви.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Велоспорт. 23.00 Эълонлар. 23.05 «Оқ қарға». 23.50 Эълонлар. 23.55 Парламент хабарномаси.

1 ШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Пан Кляксанинг саёҳати». Бадиий фильм. 1-серия. 9.25 «Бунёдкор». 9.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга минг танга». 10.40 «Аёл қадри». Бухоро вилоятидан кўрсатув. 11.25 «Хазина» Халқ ҳунармандчилиги ҳақида. 12.10 Ў. Умарбеков. «Ўз аризасига кўра». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
18.00 «Сичқонвой ва мушук», «Мушук ва қушча». Мультфильмлар. 18.25 Болалар учун. «Доно бобо даврасида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Заргар». Телефильм. 19.30 «Оталар чойхонаси — кулгу кошонаси». 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Рақс соҳибаси». Халқ артисти Қундуз Миркаримова. 21.40 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Оқ қоплон авлоди». Бадиий фильм. 1-серия.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

11.05 «Акс-садо жаранглаганда». Бадиий фильм. 12.25 «Муҳамметтули Атабаев». Телефильм. 12.45 «Оба дурмуши». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув. 17.05 «Саҳоват кўрсат». 18.05 Болалар учун фильм. «Мишук». 19.15 «Донишмандлик манбаси». Адабий композиция. 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар (рус тилида). 20.10 Кичик саҳналар. 20.45 Кичкинтойлар, сизлар учун! 21.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви. 21.45 Эфирда «Чар тарапдан».

● «ОРБИТА IV»

5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.30 Эрталабки гимнастика. 7.40 «Мусиқий чолғулар ва уларнинг тарихи». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси. 8-серия. 8.05 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 8.20 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви. 8.50 «Марказ». 9.30 «XXV ёзги олимпиада ўйинларида». 10.10 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф». 10.40 «Делегатскаядаги музей». 11.10 «Инсон ёки иблисми?» Уч серияли телефильм премьераси. 2-фильм. 11.55 Мультфильм. 12.05 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Испаниядан олиб кўрсатилади. 14.10 Янгиликлар. 14.30 Болалар учун фильм. «Кичкинтой Мукнинг саргузаштлари». 15.35 «Ҳайвонот оламида». 16.15 «Тушимга Шахматово кирибди...» 17.00 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 17.25 «Бахтли тасодиф». 18.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Врубель ҳақида этюдлар». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 Ф. Зуппе. «Галатея». Москва оперетта театрининг спектакли. 22.00 Янгиликлар. 22.40 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Испаниядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (01.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар. 7.20 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Дзюдо. Бокс. 8.25 Ретро-эстрада. 8.35 «Пилигрим».
9.20—11.55 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ.
11.55 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. «Олимпиада кундалиги». Енгил атлетика. Сузиш. Велоспорт. 14.55 «Спорт-шоу». 15.00 «Бурда моден» таклиф этади...» 15.30 Кундузги сеанс. «Якка-ю елғизим». Бадиий фильм.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 Концерт. 17.30 Хабарлар. 17.45 Концерт. 18.15 «Инсоннят бойлиги». Видеофильм. 19.00 Хабарлар. 19.20 Манзарали фильм. 19.30 «Тоғ сўқмоқларида». Ҳужжатли фильм. 20.00 Ҳафта шарҳи. 20.15 «Биз билан рақсга тушасанми?» 20.40 «Бизнинг уйда». 20.55 Манзарали фильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.00 Хабарлар. 21.25 «Спорт-шоу». 21.30 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Енгил атлетика. Гимнастикаси. Хотин-қизлар. «К-2» таништиради.

2 ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам». 8.00 «Пан Кляксанинг саёҳати». Бадиий фильм. 2-серия. 9.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Орзулари ойдин». 10.20 «Балли, улоқча». Й. Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 11.35 Тижорат канали. «Илғор тажриба мактаби». 12.05 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал. 12.20 Тижорат канали. «Ўзбекистон саноати: истиқбол уфқлари». 12.35 Э. Усмонов. «Қўриқхонада». Телеспектакль.
18.00 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.25 «Фан». «Пахта целлюлозаси — тиббиёт хизматида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал. 19.30 Телевизион миниатюралар театри. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллигига. «Ўзлигинг намоён қил». Адабий кўрсатув. 22.30 «Оқ қоплон авлоди». Бадиий фильм. 2-серия.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

8.05—11.00 ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ БОЛАЛАР СТУДИЯСИ НАМОЙИШ ЭТАДИ.
17.35 «Кўхна акс-садо ҳақида эртак». Мультфильм. 17.40 Балет кечаси. Қадимий хореографик миниатюралар. 18.30 «Ала-Тоо». 18.50 «Саламат Содиқова ирдайт». 19.30 Кечки видеосалон.

● «ОРБИТА IV»

5.25 «Руҳни чиниқтириш». 6.25 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 6.55 Янгиликлар. 7.30 «Спортлото» тиражи. 7.45 «Эрта саҳарлаб». 8.25 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. «Бугунги Ямайка». 8.50 «Дангасалик ҳақида эртак». Мультфильм. 9.00 «XXV ёзги олимпиада ўйинларида». 9.45 «Тонг юлдузи». 10.35 «Серафим Саровский. Қайтиш». Телефильм премьераси. «КТВ-1 ҳамда Франс-интеррнасиональ канали» таништиради: 11.25 «Еввойи табиат қўриқхоналари» туркумидан телефильм премьераси. 10-фильм. 11.50 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10-фильм. 12.15 Халқ оҳанглари. 12.30 «Степа амаки — милиционер». Мультфильм. 12.50 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Испаниядан олиб кўрсатилади. 14.30 Янгиликлар. 14.50 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 15.30 «Уолт Дисней таништиради...» 16.20 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Испаниядан олиб кўрсатилади. 17.30 Киноафиша. 17.45 Янгиликлар.

ЯКШАНБА КИНОКЎРСАТУВИ

19.00 «Прозерпинларни ўғирлаш». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Нодир асарларнинг ишқибозлари» криминал туркумидан (Италия). 20.00 «Якунлаш». 20.50 «Саёҳатчилар клуби». 21.35 «Олтин орфей-92» Эстрада қўшиқлари халқаро танлови. 22.30 Янгиликлар. 22.45 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. Испаниядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (01.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар. 7.20 «Хоҳ ишонинг...» 7.50 «Ати-бати...»
8.20—11.55 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
11.55 XXV ёзги олимпиада ўйинлари. «Олимпиада кундалиги». Велоспорт. Енгил атлетика. Волейбол. Теннис. (Танаффус пайтида — «Спорт-шоу». Хабарлар).

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.20 Турк енгил куйлари. 17.30 Хабарлар. 17.45 «Юзма-юз». Видеофильм. 18.30 «Денгиз юмушлари». Ҳужжатли фильм. 19.00 Хабарлар. 19.20 Манзарали фильм. 19.30 Мусиқа оқшоми. 20.00 «7 дан 77 ёшгача». 20.45 «Хонанда». 21.02 Хабарлар. 21.20 «Бозор-92».

Тошкент вилояти Тошкент районидаги 20-ўрта мактаб томонидан Абдуллаева Наима Қудратуллаевна номига берилган А № 136070 рақамли 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги Гувоҳнома

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз»дан олинди.

Спорт

ҚУТЛУҒ ЎРИН МУБОРАК!

Манила шаҳрида бўлиб ўтган XXX жаҳон Олимпиадасида 102 мамлакат вакили қатнашди. Жу[illegible]дан, Ўзбекис[illegible] Республикас[illegible] шахматчилар[illegible] Мустақил давлат сифатида биринчи марта иштирок этди. Шахматчиларимиз В. Логинов, Г. Серпер, А. Ненашев, С. Загребельний, М. Салтаев, С. Йўлдошевлар Ўзбекистон Республикаси шаъни учун курашиб улкан ғалабага эришдилар. 35 очкони қўлга киритиб Россия Федерациясидан кейин иккинчи ўринни қўлга киритишди.

ГРИГОРИЙ С[illegible]

КУНИ кеча катта [illegible]ФИДЕ (халқаро [illegible]келди. Григорий Юрьевич С[illegible]и) конгрессида унинг шахмат фе[illegible]халқаро гроссмейстер унвонқарори би[illegible]. 15 йиллик меҳнат натижасини шундай қувончли бўлди.

Шахматга меҳр қўйган тошкентлик Григорий бобоси Давид Юрьевич Чернов устозлигида 8 ёшидан бошлаб бу ажойиб спорт тури билан шуғуллана бошлади.

1984 йилда 15 ёшида мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ спартакиадасида шахсий ва команда ҳисобида чемпион бўлди. Икки йил ўтгач ёшлар ўртасида СССР чемпионатида 1987 ва 1988 йилларда эса ёшлар жаҳон чемпионатида қатнашиб, бронза медалини қўлга киритди. 1990 йилда ёшлар орасида Европа чемпиони унвонига сазовор бўлди. Кейинги йилларда Германия, Норвегия, Польша мамлакатларида ўтказилган халқаро мусобақаларда ғолиб чиқди. Шу йил июнь ойида Филиппиннинг Манила шаҳрида ўтказилган XXX Жаҳон шахмат Олимпиадасининг кумуш медали совриндори бўлди.

Ҳамюртимиз Григорийни омад тарк этмасин.

ХАЛҚАРО ТОИФАДАГИ СПОРТ УСТАЛАРИ



Суратда: Григорий СЕРПЕР.

ШОҲМОТ ҒОЯЛАРИ БИЛАН ГЎЗАЛ

Шоҳмот санъати катта мантиқ кучга эга. У сеҳрли мўъжизаси билан сизни қамраб олади. Ўйнаётган одам худди рассомдек, шоир ва композитордек, олим ва созандадек ўзининг бутун кучини ижод қилишга йўналтиради, тафаккурининг ижодий-мантиқий томонларини камол топтиради.

Шоҳмот мунтазам шуғулланишни тақозо этадиган машғулот. У руҳиятни шакллантиради, ўз ишингга танқидий кўз билан қарашга ва уни баҳолашда холис бўлишга ўргатади. «Бевосита шоҳмот ўйини ёрдамида феъл-атворимни яхшилашга эришдим. Бу ўйинда хато ва камчиликларингни тушуниб олганингдагина моҳир ўйинчи бўлиб етишишинг мумкин. Ҳаётда ҳам айни шундайдир», деб ёзганди шоҳмот даҳоси Александр Алёхин. Бу сўз ҳамон ўз кучида.

Шоҳмот фақат ижодий ишгина эмас, айни чоғда кўп меҳнат талаб қиладиган, баъзан юрагингда чандиқлар қолдирадиган ҳунар ҳамдир. Сен аввало ўз майлинг билан ўйнайсанг, айни чоғда ўзгага, унинг билим ва тажрибасига қанчалар хушёрлигига, курашга қай даражада шайланганига, ниҳоят омад келиши ёки келмаслигига боғлиқсан.

Шоҳмот назарияси асосан тинч ва осойишта хона ичида ўзинг билан яккама-якка баҳслашувларда, кўпчиликнинг иштирокисиз такомиллашиб қайта туғилмоқда. Шуниси эътиборга моликки, айни уйда топилган янги йўналиш кейинчалик, ўйин пайтида шиддатли ҳужумни келтириб чиқариши, бу томошабин ва ҳакамни беихтиёр ҳайратга солиши, қарсак чалишга мажбур этиши мумкин. Шоҳмот гўзаллиги унинг жозибадор, эътиборни жалб этувчи кучидадир. Лекин ғоя гўзаллигига амалий ўйин чоғида эмас, балки унинг шаклини яратиши жараёнида баҳо берамиз.

Масаланинг моҳияти ғоят мураккаб кечадиган ўйин гўзаллигини қандай тушунишда. Ўйиндаги ана шу кўркамлик, жозиба мезони ниҳоятда ранг-баранг ва ҳаракатчан, айни чоғда барқарор ҳамда сенга боғлиқ эмас. Унинг нусха ва шакллари турли-туман. Мураккаб музика асарини, масалан, симфонияни тушуниш учун фақат одамнинг эшитиш қобилияти яхши тараққий этибгина қолмай, у муайян даражада эстетик фаросатга ҳам эга бўлиши керак. Бизнинг бу борадаги тушунчаларимиз бир-биридан шу қадар фарқ қиладики, бу худди қандай таронани севишимиз, уни қандай қабул қилишимиз ва тушунишимизга ўхшайди. Устига-устак, бугун бизга бир нарса ёқса, эртасига уни хуш кўрмай қоламиз.

Психология фанлари докторлари В. Пушкин ва О. Тихомиров шахматчиларнинг фикрлаш жараёнларини ёзишга бир неча бор уриниб кўришди. Тадқиқотлар пайтида замонавий усуллардан фойдаланилди, чунончи, кўз ҳаракатини қайд этиш устида иш олиб борилди.

Шоҳмотни тадқиқ қилишнинг кибернетик йўли бугунги кундаги кенг илмий йўналиш бўлиб, давр «нафаси»нинг муайян даражадаги акс этиши ҳисобланади. У ақл-фаросат билан иш кўришни амалиётга айлантирди.

Моҳир шоҳмотчилар ўйнаган энг яхши партиялар умрбод тарихда қолади, хотирадан чиқмайди. Чунки улар ўйнаган партия — ҳамманинг бисотидир, у барчани илҳомлантиради.

Гоҳо: «Нега энди шоҳмот бошқа кўпгина спорт ўйинлари орасидан ажралиб чиқди-ю, асрлар оша шу қадар қадр топди» деган савол туғилади. Албатта, гап унинг ҳаммабоп бўлишида, қимматли асбобларни сотиб олиш талаб қилинмаслигида ёки табиий шароитларга боғлиқ бўлмаганлигидагина эмас. Шоҳмотнинг оммавийлашиб кетишига сабаб унинг VIII—IX асрда кенг кўламда ўйналгани ва инсон руҳий дунёсини бойитиш, ижодий қобилиятини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатувчи чуқур мазмунга эгалигидир. Шунинг учун машҳур кишилар бу ўйинга юксак баҳо берганлар, бу ўйинга меҳр қўйганлар.

Шоҳмот билан шуғулланиш, ундаги кескин ва нозик вазиятлар ички ҳиссиётларни кучайтиради, олдин бўлган сусткашлик, масъулиятсизликни бартараф қилади, ўз кучига ишонч туйғусини тарбиялайди. Шу ўринда шоир Эркин Воҳидовнинг қуйидаги сўзларини эслайман:

«Шоҳмотда буюк адолат бор. У янглиш учун бешафқат жазолайди, тадбир учун қувончлар ҳадя этади. Инсон заковати яратган мўъжизалар ичида шоҳмот санъати мангу ва бепоён ижодий майдондир. Унда мен шеъриятнинг, мусиқанинг, меъморлик ва рассомликнинг туғишган биродарини кўраман, турмушнинг чигал ва мураккаб, ҳаққоний ва бешафқат қонуниятларини ҳис этаман. Мен учун шоҳмот аввало ўз-ўзингни тарбиялаш манбаи. Ҳаёт сўқмоқларида янглишмаслик, ягона тўғри йўлни топа билиш, мураккаб ҳолатларда тез ва теран фикрлай олиш, ҳар бир вазиятга тўғри баҳо бера билиш хислатларига бизни шоҳмот ҳам ўргатади».

Анвар ИНОҚОВ,
шаҳмат бўйича спорт усталигига номзод.

Ўзбекистон Республикаси уй-жой, коммунал хўжалиги вазирлиги ҳайъати ва маҳаллий саноат, уй-жой, коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси Раёсати Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Бўри Алламуродовга ҳаётда ибратомуз умр кечирган, савобли ишлари билан ҳурматга мушарраф бўлган волидаи муҳтарамалари

Зайнаб ДОНАЕВАнинг

бандаликни бажо келтирганлари билан чуқур ҳамдардлик билдиради, оила аъзолари, қавму-қариндошларига сабр-тоқат, бардош тилаб, марҳумага Оллоҳдан раҳматлар сўрайди.

«Ишонч» газетаси жамоаси бўлим муҳаррири Санъат Маҳмудовага синглиси

Саида

ОРИПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади, оила аъзоларига сабр-тоқат тилайди.

ИШОНЧ

Бош муҳаррир

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АКБАРОВ, Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Жасур НОСИРОВ, Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун ҚУШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36

● Бош муҳаррир муовини — 56-52-89

● Масъул котиб — 56-52-78

● Котибият — 56-87-59

БЎЛИМЛАР

● Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт ва вилоятлараро мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79

● Хатлар, оммавий ишлар, тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-78; 56-87-73.

● Маънавият, маданият ва табиат — 56-87-63.

● Безатиш ва суратқашлик — 56-87-74.

● Ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик — 56-55-85.

● ВИЛОЯТЛАРАРО МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Андижонда — 54697;
Гулистонда — 21002;
Самарқандда — 351130;
Ургенчда — 68782;
Қаршида — 53670.

● Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь куни Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.

СОТУВДАГИ НАРХИ 3 СЎМ.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босишга 24 июлда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:
Акмал Акромов
Тожибой Алимов,

● ҚЎНИМГОҲИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

Буюртма № Г-208

● 110.560 нусхада босилди

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12